КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг ГФРга расмий визити тугади. Визит натижасида имзоланган ҳужжатлар ҳар икки давлатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда улкан роль ўйнайди. Уларнинг мақсади— мустаҳкам тинчлик ва халқларнинг бахт-саодатига қаратилган.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 103 (3604)
ДУШАНБА
8 МАЙ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Чилонзор район партия комитетининг мажлислар залида Ўзбекистон Компартияси Чилонзор район комитети ва Фридрих Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти профессор-ўқитувчиларининг доҳиймиз Карл Маркс таваллудининг 160 йиллигига бағишланган илмий назарий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияни институт ректори, профессор Т. Жўраев қисқача кириш сўзи билан очди.

Конференцияда тарих фанлари кандидати, доцент И. Саъдуллаев «Коммунистик манифест — коммунистик дунёқараш принципларини ифода этувчи шоҳ асар», иқтисод фанлари доктори А. Эгамбердиев «Карл Марксниинг иқтисодий таълимоти», фалсафа фанлари кандидати С. Облоқулов «Диалектик материализм — марксизмнинг умуминазарий асоси», тарих фанлари доктори, профессор Ж. Қалимбетов «Социалистик жамият қуриш шарти бўлган социал революция ва пролетариат диктатурасининг ўрнатилиши — марксизмдаги бош масала» каби мавзуларда докладлар қилдилар.

С. РИЗАЕВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИШИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

Германия Федератив Республикаси Президенти В. Шеель ва Германия Федератив Республикаси федерал канцлери Г. Шмидтнинг таклифига биноан, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 1978 йил 4 майдан 7 майгача расмий визит билан Германия Федератив Республикасида бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Германия Федератив Республикасининг Президенти В. Шеель, Германия Федератив Республикасининг федерал канцлери Г. Шмидт ва федерал канцлернинг ўринбосари, ташқи ишлар федерал министри Г.- Д. Геншер ҳар икки томон экономика сохасидаги самарали ўзаро алоканинг узоқ вақт мобайнида давом эттирилишини таъминлашга интилаётганлигига асосланиб, экономика ва саноат сохасидаги узоқ муддатли хамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги Битимни имзоладилар.

Томонлар 1970 йил 12 август Шартномасининг тузилиши ҳар икки давлат ўртасидаги муносабатлар учун асос бўладиган аҳамиятга молик воқеа бўлди, деб таъкидладилар. Бу Шартнома ана шу муносабатларни нормаллаштириш ва бу давлатлар ўртасидаги ҳар томонлама хамкорликни ривожлантириш учун кулай замин ни вужудга келтирди. Шартнома Европада кескинликнинг юмшатилишини таъминлаш, хавфсизликни мустаҳкамлашда асосий омилларнинг бири бўлди ва шундай бўлиб қолаверади.

Федерал президент В. Шеель ва федерал канцлер Г. Шмидтнинг СССРга килган визитларидан бўён ўтган даврда ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар яхшиланиб, чуқурлашиб бораверди. Сиёсий мулоқат жадал тус олди, халқаро масалалар борасидаги хамкорлик кучайди, кўп сохалардаги алокалар кенгайди.

Томонлар 1970 йил 12 август Шартномасига асосланиб ва сабр-токат билан конструктив иш кўриб, икки давлат ўртасидаги муносабатларни муттасил ривожлантириш ва чуқурлаштиришга катъий карор берганликларини билдирдилар. Улар бу вазифани ҳал этишга юксак сиёсий аҳамият бердилар.

Томонлар олий даражадаги учрашувлар ҳар икки давлат ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини шакллантиришда алоҳида роль ўйнайди, деб уқтириб ўтдилар. Бу учрашувлар Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги хамкорликни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доим янги мадал беради.

1974 йил 30 октябрдаги Кўшма баёнотда кўзда тутилганидек, сиёсий маслаҳатлашув практикасини сақлаб колиш ва кенгайтириш хам мухим аҳамиятга молик эканлиги таъкидланди.

Томонлар парламент аъзолари, экономика ва касаба союзларнинг вакиллари, фан ҳамда маданият арбобларининг мулоқатларини мунтазам суратда ўтказиб туришни ёқлаб чиқдилар.

Томонлар буларнинг ҳаммаси ўтмишнинг қолдиқларини бартараф қилишга, ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ҳисоблайдилар.

Ҳар икки давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларга катта эътибор берилди. Бу муносабатлар умуман мақбул тарзда ривожланиб бораётганлиги мамнуният билан қайд этилди. 1973—1974 йилларда тузилган битимлар, шунингдек 1974 йилда узоқ муддатни кўзлаб имзоланган битим муваффақиятли бажарилмоқда. Бу битимлар иқтисодий алокаларни изчиллик билан кучайтира боришни кўзда тутади. Томонлар ўзаро савдо-сотиқнинг эришилган ҳажмини эътиборга олиб, 1976 йилдан 1980 йилгача товар оборотини ўтган беш йиллиқдагига нисбатан икки баравар ошириш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Улар имконият борича бу даражадан ўзиб кетишга интиладилар. Томонлар товар оборати структурасини яхшилаш, товар оборотига кўпроқ балансли тус беришга бундан буён хам бутун чоралар билан кўмаклашиш ниятидадирлар.

Кенг кўламли лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, ишлаб чиқариш кооперациясини йўлга қўйиш, экономиканинг янги тармоқларини ҳамкорликка жалб этиш — ҳар икки мамлакат ўртасида экономика ва техника сохасида бундан буён ҳам муваффақиятли ҳамкорлик қилиш учун биринчи даражали аҳамиятга молик деб топилди. Томонлар Осколь электрометаллургия комбинати, Могилевдаги химиявий тола ишлаб чиқарадиган комплекс лойиҳасини амалга оширишда, шунингдек химия, энергетика машинасозлик сохаларида бошқа лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда илгари сурилган рўй берганлигини мамнуният билан қайд қилдилар.

Томонлар ўз имкониятларидан даражасида экономика, саноат ва техника сохаларидаги ҳамкорликка кенг асосда ёрдам берақаларини ва шу билан бирга майда ва ўрта корхоналарнинг манфаатларини бундан буён ҳам эътиборга олажакларини таъкидладилар.

Томонлар саноат сохасида бошқа мамлакатлардаги корхоналар билан биргаликда ҳамкорлик қилишни кенгайтириш кераклигини айтдилар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федератив Республикасининг иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи комиссияларининг фаолиятига ва бу комиссия тузган эксперт группаларининг фаолиятига ижобий баҳо бердилар. Бу органлар турли сохаларда иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга фойдали ҳисса қўшмоқдалар. Томонлар комиссияларнинг ролини янада ошириш ва унинг фаолиятини такомиллаштириш, унинг ишида янги истиқболли йўналишларни киритиб топиш кераклигини айтдилар.

Томонлар ўз имкониятларига кўра техника сохасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам бериш ва ўзларидаги тегишли ташкилотлар ҳамда фирмаларнинг бу сохада кўрадиган тадбирларини қўллаб-қувватлаш ниятидадир. Техниканы тараккий эттириш учун жуда катта аҳамиятга молик бўлган энг муҳим ва истиқболли йўналишлар ҳамда мавзуларга алоҳида эътибор берилади.

Ҳар икки томон маданият, фан, маориф ва спорт сохасида ҳамкорликни чуқурлаштиришга интилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Бундай ҳамкорлик халқларнинг бирганликда кечираётган тинч ҳаётида мухим роль ўйнайди.

Томонлар икки томонлама муносабатларнинг шартномаларда белгиланган асосларини кенгайтириш, шу жумладан конкрет сохалардаги мавжуд битимлар, шунингдек янги битим лойиҳалари билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар. Улар бу масалаларни муҳокама килишни давом эттириш ҳақида келишиб олдилар.

Томонлар халқ хўжалиги ва маданият сохасида эришилган муваффақиятлар виставкаларини ўзаро ташкил этиш борасидаги ижобий тажрибани ҳисобга олиб, бундай виставкаларни шундан кейинги йилларда хам уюштиришни кўзда тутадилар.

Ҳар икки томон рус ва немис тилларини ўзаро ёйишга кўмаклашаверади.

Касаба союзлари ўртасидаги алокаларни янада ривожлантириш мухим эканлиги уктирib ўтилди. Томонлар шаҳарлар ўртасидаги алокаларни кучайтиришга хам ёрдам бераверадилар.

Томонлар «СССР —ГФР» жамияти ва «ГФР —СССР» жамиятлари федерациясининг алокаларини янада ривожлантиришни ёклаб чикадилар. Томонлар уларнинг фаолиятига хамжиҳатлик ишига кўшилган фойдали ҳисса, деб ижобий баҳо берадилар.

Томонлар инсонпарварлик характеридаги масалаларни ҳал этишда силжишга эришилганлигини таъкидладилар. Улар бундан буён хам ана шу масалаларни ижобий тарзда кўриб чикишга тайёр эканликларини билдирдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ва Германия Федератив Республикасининг федерал канцлери Европадаги ҳозирги аҳвол ва умуман халкаро тараккиётнинг асосий проблемаларини батафсил муҳокама килдилар. Улар Европа халқлари ўттиз йилдан кўпрок вақтдан буён уруш нималигини билмаётганликларидан ғоят мамнун эканликларини билдирдилар.

Томонлар тинчлик олий ро қуролини хам, куролароғларнинг оддий турларини ҳам ўз ичига олиши керак.

Томонлар БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланиш масалаларига бағишлаб ўтказиладиган махсус сессиясига катта аҳамият бераётганликларини таъкидладилар ва бу сессияда ижобий натижаларга эришилиши учун ёрдам беришга тайёр эканликларини билдирдилар. Улар бу сессиянинг ўтказилиши қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланиш сохасида конкрет тадбирлар тўғрисида олиб бориладиган музокараларга янги мадад беришини кутмоқдалар. Хар икки томон махсус сессия қуролсизланиш масаласи юзасидан жахон миқёсида БМТ барча аъзоларининг иштирокн билан бундан буён хам музокаралар олиб боришга ёрдам беради, деб умид килаётганлигини билдирди. Қуролсизланишга бағишланган Жахон конференцияси тўғрисидаги масала хам кўриб чикилди.

Томонлар барча ядро куролларини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартномага катъий риоя килиш мухим эканлигини таъкидладилар. Улар бу Шартномага умумий тус бериш учун барча давлатлар унга кўшилиши лозим эканлигини айтдилар.

Томонлар стратегик хужум куролларини чеклаш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Кўшма Штатлари ўртасида олиб борилаётган музокаралар мухимлигини таъкидлаб, бу музокаралар кескинликни юмшатиш ва ялпи тинчликни таъминлашга катта хисса кўшади, деб уктирib ўтдилар. Улар бу музокараларнинг муваффакиятли ўтишига эришиш ғоят мухим, деб хисоблайдилар.

Томонлар ядро куроли сиғовларини батамом ва ёппасига тақиклаш катта аҳамиятга молик деб хисоблайдилар ва олиб борилаётган музокаралар якин орада муваффакиятли тугалланади, деб умид килаётганликларини билдирдилар.

Томонлар химиявий куролнинг хамма турларини тайёрлаш, ишлаб чикариш ва унинг запасларини тўплашни самарали тақиклаш хакидаги ва бу куролни бутунлай йўкотиш тўғрисидаги битимларни тезрок тузишга эришиш мақбул, деб хисоблайдилар.

Марказий Европада куролли кучларни ва курол-яроғларни ўзаро кискартириш ва шулар билан боғлик бўлган тадбирлар тўғрисида Венада олиб борилаётган музокараларда ахвол ҳар томонлама мухокама килинди. Томонлар сухбат давомида ана шу масалаларни муҳокама килишни давом эттиришга тайёр эканликларини билдирдилар.

Томонлар Европада хавфсизлик ва хамкорликка бағишланган кенгаш Европадаги вазиятни яхшилашда алоҳида роль ўйнаганлигини таъкидладилар. Бу кенгаш 1975 йил 1 августда катнашувчи давлатлар олий рахбарларининг Хельсинки актини имзолаш билан тугалланган эди.

Улар Европада хавфсизлик ва хамкорликка бағишланган кенгашда катнашган давлатлар вакилларининг Белградлаги учрашуви якунларини мухокама килдилар. Шу билан бирга мазкур учрашув Якунловчи актни имзолаган давлатларнинг Хельсинкида кабул килинган карорларига мувофик, кескинликни юмшатиш жараёнини давом эттириш ниятини тасдиклади, деб уктирib ўтилди.

Томонлар кенгашнинг Якунловчи актини имзолаган барча давлатлар бу актдаги хамма коидаларни бир томонлама, икки томонлама ва кўп томонлама тартибда тўла амалга оширишлари мухим эканлигини таъкидладилар.

Томонлар Ўзаро Иктисодий Ёрдам Кенгаши билан Европа Иктисодий Хамжамияти ўртасидаги музокараларнинг давом эттирилаётганлигидан мамнун эканликларини билдирдилар. Улар хар иккала ташкилот ўртасидаги алокалар Европада хамкорликни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга хизмат кила олади, деган фикрни билдирдилар. Улар иккала ташкилот ўртасидаги музокаралар ижобий натижаларга олиб келади, деб умид киладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ва Германия Федератив Республикасининг федерал канцлери куролярогларни чеклаш ва куролсизланиш масалалари юзасидан, шунингдек куролланиш пойгасини тўхтатиш максадида кўриладиган тадбирлар хусусида кенг кўламда фикрлашиб олдилар. Хар икки томон самарали халкаро назорат остида ёппасига ва батамом куролсизланиш максадлари сари олға караб реал харакат килиб бориш манфаатларини кўзлаб, ўз ихтиёрларидаги барча имкониятлар ва воситалардан фойдаланишга ахд килганликларини билдирдилар. Ёппасига ва батамом куролсизланиш ядро куролларини тарқатмаслик ва бошқа ядро қурилмаларини ишлаб чиқмаслик тўғрисидаги Шартномага ҳар икки давлат ҳам қўшилган ва бу Шартнома 1970 йилдан буён амалда эканлигини қайд этдилар.

Томонлар Европада куролсизланиш ва ишончни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Хельсинки Якунловчи актининг ҳар икки томон учун ҳам мажбурий бўлган принципларини ва бошқа асосий қоидаларини қатъий равишда амалга ошириш Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шарти эканлигини таъкидладилар.

Томонлар Европада ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни юмшатиш, куролланиш пойгасини тўхтатиш ва куролсизланишга эришиш учун ўзларининг ҳиссаларини қўшишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Томонлар Ўрта Шарқдаги ахвол ва бу районда кескинлик сақланиб қолаётганлигидан ташвишланаётганликларини билдирдилар. Улар бу районда адолатли ва мустаҳкам тинчлик манфаатларини кўзлаб, можарони манфаатдор бўлган барча томонлар вакилларининг, шу жумладан Фаластин араб халқи вакилларининг иштирокида кенг кўламда бартараф қилиш зарур эканлигига аминдирлар.

Африка қитъасида кескинликни юмшатиш ва тинчликни таъминлаш нуқтаи-назаридан бу райондаги вазиятнинг ривожи кўриб чиқилди. Томонлар БМТ Устави қоидаларига ва Африка Бирлиги ташкилотининг карорларига мувофиқ, Африка давлатларининг мустақиллиги, суверенитети, чегараларининг дахлсизлиги ва территориал бутунлигини ҳурмат қилиш ана шу максадга мос бўлиб тушади, деб ҳисоблайдилар.

Томонлар Африканинг жанубидаги аҳволга тааллукли масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

Томонлар халқаро иқтисодий ҳамкорликни муттасил кенгайтириш ва чуқурлаштириш халкларнинг ўз фаровонлигини ошириш, тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги интилишларига мос бўлиб тушади, деган фикрни ҳзоп қилдилар. Улар халқаро иқтисодий муносабатлар ҳуқуқий тенглика, ўзаро манфаатдорликка ва барча мамлакатларнинг манфаатларини адолатли ҳисобга олишга асосланиши зарур эканлигини таъкидладилар. Томонлар ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро ҳамкорликда ҳуқуқий жиҳатдан тенг асосда иштирокини анча кенгайтириш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилдилар.

Улар граждан авиациясининг хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан ҳаво қароқчилиги ҳуружларининг олдини олиш ва улар билан курашиш шунингдек гаровга олиш билан курашиш тадбирларини ишлаб чиқиш борасида халқаро хамкорлик зарур эканлигини айтдилар.

Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро тинчлик, хавфсизликни сақлаш ва давлатлар ўртасидаги хамкорликни ривожлантиришга қаратилган тадбирларини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашга интиладилар. Улар БМТнинг мақсадлари ва принципларига содиқ эканлигини ҳамда ташкилотнинг уставига қатъий риоя қилиб, бунинг учун унда кўрсатиб берилган имкониятлардан тўла фойдаланган холда бу ташкилотнинг обрў-эътибори ва самарали иш кўришига ёрдам бериш учун тайёр эканликларини уктирib ўтдилар.

Томонлар БМТ доирасида ҳар икки мамлакат хамкорлигини ҳамда ривожлантириш манфаатлари йўлида БМТнинг фаолиятига доно масалалар юзасидан, аввало халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, шунингдек куролсизланиш сохасида маслаҳатлашиб туриш практикасини давом эттиришни кўзда тутадилар.

Томонлар икки ўртадаги учрашувлар ва музокаралар самарали бўлиб, мухим натижалар берганлигини якдиллик билан изҳор қиладилар. Визит ҳар икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун янги истиқболлар очиб беради ва Европада ҳамда умуман жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳиссе бўлиб қўшилади.

Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан федерал президент В. Шеель ва федерал канцлер Г. Шмидтни расмий визит билан Совет Иттифоқига келишга таклиф этди. Бу таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди. Визитлар вақти кўшимча равишда аниқланади.

ЭРТАГА — ҒАЛАБА КУНИ.

Меҳнатда ўрнак

Республика автомобиль транспорти ва йўллар эксплуатацияси министрлигига қарашли Тошкентдаги 143-автобаза ходимлари орасида шундай меҳнат пешқадамлари борки, улар ўзларининг арзигулик хизматлари билан шаҳар аҳолисининг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Улар Улуғ Ватан урушининг жанг майдонларида қатнашишган. Корхонанинг собиқ жангчилари орасида С. Бурхонов, Х. Ортиқов, Н. Сверрлов, Ю. Хикматов, Ю. Пономарёва сингари ходимлар тинч меҳнат йилларида ҳам жанговарлик намунасини кўрсатишяпти.

Куни кеча ана шу корхонада Ғалаба кунига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда собиқ фронтдошларнинг ҳурмати бажо келтирилди.

Гуллар ва музика билан

КЕЧА

Чилонзор районидаги 3-маданият уйи Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан ғоятда файзли бўлди. Тўпланганлар массивнинг 18, 19, 20-кварталларида истиқомат қилувчи Улуғ Ватан урушн қатнашчиларини гуллар ва музика билан кутиб олишди.

9 Май — Ғалаба кунига бағишланган тантанали йиғилишни маданият уйининг директори Евдокия Трофимовна Сабаева очди. У тарихий ғалаба ва унинг аҳамияти ҳақида гапириб берди. Шундан кейин куни кеча ўзининг шонли 60 йиллигини нишонлаган Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи ашула ва рақс ансамблининг бир группа санъаткорлари кеча қатнашчиларининг ҳурматли меҳмони бўлишди.

Кеча охирида Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига асдалик совғалари топширилди.

Маҳаллада тантана

БУГУН

Октябрь районидаги Маннон Уйғур номли маҳалла комитети ташаббуси билан Улуғ Ватан урушида совет халқининг фашистлар Германияси устидан қозонган буюк Ғалабасининг 33 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишга маҳаллада истиқомат қилувчи Улуғ Ватан урушининг 112 ветерани, меҳмонлар ташриф буюрдилар.

Ёзувчи Фадеев мукофоти лауреати Адҳам Рахмат Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқи кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлар ҳақида сўзлаб берди. Уруш ветеранларини Чилонзор район ҳарбий комиссари, полковник И. Н. Мирзамуҳамедов, А. Акмалов ва бошқалар табриклашди.

Ғалаба йилномаси

Тошкентдаги Округ офицерлар уйида ташкил этилган филателия кўргазмаси Ғалаба кунига ва Туркистон ҳарбий округи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланди. Бу кўргазманинг муаллифи Тошкентдаги 155-мактабнинг тарих ўқитувчиси, бутунармия филателия виставкасининг дипломанти В. Климовдир.

Унинг экспозициясида СССР ва чет мамлакатларда чиқарилган маркалар, открыткалар, конвертлар ўрин олган. Почта маркаларида Совет Иттифоқи Қуролли Кучларининг қаҳрамонона тарихи ва унинг бугунги жанговар қудрати акс эттирилган.

Экспонатлар Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонлари, ёш жангчиларнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

САМБО КУРАШИ БЎЙИЧА X БУТУНИТТИФОҚ ТУРНИРИ

ТОШКЕНТ

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарки соврини учун

Экватор ортда қолди

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг совғини учун самбо кураши бўйича Ғалаба кунига бағишланган ўнинчи Бутуниттифоқ турнирининг очилиши тантанали ўтди. Одатдагидек парад бўлди, пионерлар мусобақа қатнашчиларига, судьяларга гуллар тақдим этишди, уларга омад тилашди. Сўнгра «Меҳнат резервлари» спорт комплекси залидаги учгилимда муросасиз олишувлар қизиб кетди.

— Айрим вазн тоифасидаги курашчиларга «Оқшом» газеталари турнирининг ғолиби бўлиш, ёки совринли ўринни эгаллаш учун ўнтагача беллашувларда иштирок этишга тўғри келди,— дейди самбо бўйича жаҳон чемпиони, куйбишевлик республика тоифасидаги судья А. Шор.— Бу ёш спортчилар учун жиддий синовдир. Аммо чинакам курашчилар ана шундай кескин шароитларда тарбияланишади.

Тошкентлик студент Б. Файзиевнинг гилламдаги ҳаракатлари жаҳон чемпионининг бу сўзларини тўла тасдиқлади. Аслини олганда саралаш беллашувларида у кучини тўла сарфламай курашгани учун айтарлик таассурот қолдиргани йўқ. У кучини ҳал қилувчи беллашувларга сақлаётган экан. Ярим финалда у тошкентлик студент О. Чўлиевдан тўла устунлигини намойиш этди. Финалда эса икки кунлик оғир беллашувлар ҳеч асорат қолдирмаганидек, шу қадар кўп усулларни намойиш этдики, ҳаммани ҳайрон қолдирди. Б. Файзиев 5 минут 20 секунд ичида львовлик динамочи Р. Жуманиёзов устидан яққол устунлик билан ғалаба қозонди.

Катталар ўртасида мамлакат биринчилигининг бронза совриндори москвалик В. Пашкин билан ёшлар ўртасида мамлакат биринчилигининг учинчи совриндори новосибирсклик В. Прошчай ўртасидаги финал олишуви энг қизғин олишув бўлди. Беллашувнинг 102-секундида рақибига оғрик усулини қўллаган В. Пашкин учинчи марта Тошкент турнирининг ғолиби бўлди.

Шундай қилиб турнир экватордан ўтди. Вазн тоифаларининг ярмида совриндорлар аниқланди. Дастлабки натижалардан бири — 12 нафар СССР спорт мастери пайдо бўлди.

Қуйидагилар «Оқшом» газеталарининг совғини учун Бутуниттифоқ турнирининг ғолиби бўлишди: 48 кг.—Б. Файзиев («Буревестник», Тошкент), 57 кг.—В. Григорьев («Урожай», Новосибирск), 68 кг.— В. Попов (ФИС, Красноярск), 82 кг.— В. Пашкин («Буревестник», Москва), 100 кг.— О. Смирнов («Буревестник», Москва).

УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИ, СИЗЛАРНИ КУТАМИЗ!

Бугун Кафанов номидаги хиёбон ўзгача қиёфа нашф этган. Майсалар бўйлаб Улуғ Ватан урушида иштирок этган фронтларнинг, армияларнинг номи қайд этилган тахтачалар саф тортиб турибди. Қардошлик қабри ёнидаги Мангу аланга уларда акс этиб товланади.

Ватанимизни гитлерчи босқинчилардан озод қилиш учун жангларда иштирок этган ветеранлар эртага роппа-роса соат 17 да шу ерда тўпланишади. Ҳозир Тошкентда минглаб уруш ветеранлари истиқомат қиладн. Уларнинг аксарияти эртага Кафанов номли хиёбонда Тошкент шаҳар комсомол комитети ва уруш ветеранлари шаҳар комитети ташкил этаётган учрашувда иштирок этишади. Ветеранларни жанговар марш садолари қаршн олади. Улар олдида Улуғ Ватан урушининг сочларига оқ оралаган афсонавий жангчиларн сўзга чиқишади. Тошкент мактабларининг пионерлари ва ёш армиячилари, Ленин номидаги билим юртининг курсантлари, ёш жангчилар, пойтахтимизнинг ёш меҳнаткашларн ҳам шу ерга келишади. Ветеранлар алангали йилларни эслаб бир-бирларн билан дийдор кўришишади, мангу аланга пойнга гулчамбарлар қўйишади.

Кафанов номли хиёбонда эртага ана шундай учрашув бўлади. Азиз ветеранлар, сизларни кутамиз! Хотирамизда умумхалқ жасоратининг унутилмас саҳифалари яна бир карра жонлансин, сизларни тинглаб ёшларимиз қаҳрамонларга тенглашишсин. Она-Ватанга, ўз бурчларига садоқатларн ҳақида қасамёд қилишсин.

Эртага — Ғалаба куни

БУЮК ЖАСОРАТ

Улар Кичик ерда жанг қилишган

...Майор Куниковнинг 250 қишилик штурмчи отряди 3 февралдан 4 февралга ўтар кечаси Кичик ерга биринчи бўлиб босиб кирди ва Станична шаҳарчасининг бир неча кварталларини эгаллаб олди. Лекин душманнинг тинмай қарши ҳужумлари туфайли оғир аҳволга тушиа бошлади. Майор Куников қўмондонликдан тезроқ ёрдамчи кучлар юборишни илтимос қилди. Ердамга келган қисмлардан бири 255-Қизил байроқли денгиз пиёдалари бригадаси эди. Бу бригада 5 февраль кечаси Кичик ерга Куниковчиларнинг ёнига тушди. Бизнинг ҳамшаҳаримиз Иван Степанович Гришаев шу бригаданинг разведкачилар ротасида взвод командирининг ёрдамчиси бўлиб хизмат қиларди.

Душман ҳам дарҳол Станичка районига қўшимча пиёдалар, танклар, тўплар келтирди, прожекторлар ёқиб, ракеталар, ёритувчи снарядлар отиб, тунни кунга айлантириб юборишар, десантчиларни кўз очирмай ўққа тутар, ҳар кун бир неча бор қарши ҳужумга ўтарди. Фашист қузғунлари осмондан тинмай бомба ёғдирарди. Бунинг устига денгизда қутириб, 9 баллга кўтарилган пўртана десантчиларга ёрдамчи куч юбориш, ўқ-дори, озиқ-овқат етказиб беришни ниҳоятда мушкуллаштириб қўйди. Десантчиларнинг сафи тобора сийраклашар, душман эса борган сари яқинлашиб келарди. Бошлиқлар десантчиларнинг руҳини кўтариш йўлларини қидиришарди...

255-бригада Кичик ерга тушгандан уч кун ўтгач, Гришаевни рота командири Фурманов чақириб, «Бригада командири полковник Потапов эпчил йигитлардан иккитасини танлаб менга юбор, жуда муҳим топшириқ бор, деди. Шунга сизни юборишга қарор қилдик. Бессмертнийни ҳам» деди. Гришаев билан Бессмертний шу заҳоти полковник ҳузурига етиб боришди.

— Сизга жанговар топшириқ бор: Ҳув анави сув босиб чиқарадиган минора устига қизил байроқ тикасиз. У ерга бориб келиш ниҳоятда хавфли, лекин моҳир, чапдаст, эпчил разведкачи эканлигингизга ишонib сизга топшириямиз бу ишни. Эрталаб ҳамма фашистлар минора тепасида бизнинг байроғимиз ҳилпираб турганини кўриб ҳайратда қолсин.

Минора тахминан бир километрча нарида, баландда. Атрофидаги уйлар, қўралар, саройларда немислар. Хуллас фашист солдатларига билдирмай бориб, минорага чиқиш керак. Икки разведкачи тун ярмидан оққанда йўлга чиқди. Гоҳ эмаклаб, гоҳ эмаклаб ойдинлаштириб юборяпти. Иккала разведкачи качига тез-тез ёғду тушяпти, иккиси сайҳон майдондаги ўт-гиёҳлар, ёки онда-сонда учраган чўқирларга таппа ташлаб қимир этмай қолишяпти.

Шу пайт жуда яқиндан овоз эшитилди. Хиёл ўтмай ўн метрча нарида икки гавда пайдо бўлдида, орқа томонга аста ўтиб кетди. «Разведкачилари, биз томонни кўздан кечиргани кетяпти, шекилли. Қайтганимизда орқадан бориб боплаймиз иккисини» деди Иван Степанович. Зийрак разведкачининг тахмини тўғри эди...

Бирдан душман ҳаммаёқни тўплар, миномётлар, самолётлардан ўққа тута бошлади. Яна бир соатдан кўпроқ ер тимдалаб йўл босишди. Минорага яқинлашиб, анча вақтгача атрофга қулоқ солишди. Чурқ этган товуш эшитилмади. Минора ичида икки-учтаси писиб турган бўлса-я? Бунақа миноралар кўпинча ўт очиш нуқтаси бўлганини разведкачилар яхши билишарди. Гришаев ҳамроҳи Бессмертнийни берирокда қолдириб орқа томондан минорага эшигига яқинлашди. Ҳеч кимнинг қораси кўринмади. Аста-секин зинадан юқорига чиқиб боришди. Чаққонлик билан товуш чиқармай миноранинг тепасидаги найзага қизил байроқни сим билан жуда маҳкам қилиб боғлашди. Сўнг пастга тушиб, орқага қайтишди...

Эрталаб немис қисмлари эгаллаб олган райондаги минора тепасида қизилларга турган қизил байроқни кўрган десантчилар бир-бири билан қучоқлашиб роса қийқиришди. «Фашист босқинчининг куни қолта бўлаётгани шу-да! Бу байроқ ана шунинг тимсоли», деб қувонишди. «Ҳой, бу байроқни тикиб келган азамат ким экан ўзи?» деганча «ким бўларди яна ўша миқти полвон Гришаев билан жиккак Бессмертний-да», деб жавоб беришди. Бригаданинг жангчилари кўтаринки руҳ билан ҳужумга ўтди. Қизил байроқ Кичик ердан душман бутунлай қувиб чиқарилгунча ҳилпиллаб турди...

* * *

Ҳа, ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг китобини ўқидим-у,— деди Иван Степанович Гришаев.— ўша «Кичик ер»даги даҳшатли воқеалар кўз олдимдан тизилиб ўтаверди. У ерга боргунга қадар Одессада, Таганрогда, Ростовда, Қримдаги жангларда қатнашдим. Лекин Кичик ердаги сингари бенихоя оғир, мураккаб, беомон жангларни кўрмаган эдим. У ердан қандай қилиб омон чиққанимга ҳали-ҳали ҳайрон бўламан. Зотан бу ўша «дўзах» деса бўладиган жанглар майдонида нечундир ўлимни эмас, ҳаётни ўйлардик, ҳаёт учун жанг қилардик, шунинг учун ўзимизни ўтгаям, сувгаям ташлайверардик, мумкин қадар тирик қолиб, ғалаба қозонишни, ғалабамиз рамзи—Қизил байроғимизни Берлин устида ҳам ҳилпиллатиб кўйишни ўйлардик. Бунда партиямиз йўллаган комиссарларнинг, ҳамиша ёнимизда турган Леонид Ильич бошлиқ снёсий бўлим ходимларининг шахсий қаҳрамонлиги, большевича оташин чақириқлари мадад бўларди бизга, ғалабага ишонч туйғуларини жўшқинлатиб юборарди қалбимизда.

Ҳурматли газетхонларга шуни ҳам айтиб қўяйлик: кўн заводида бир неча йилдан буён ҳалол хизмат қилиб келаётган ўта камтарин Иван Степанович фақат Кичик ернинг ўзида ўнлаб «тил» тутиб келган, «устаси фаранг» разведкачи эди. Армия қўмондони генерал Леселидзе унга Кичик ерда Қизил Байроқ ордени топшираётиб «Биз сиз билан фахрланамиз» деб бежиз айтган эмас. Армия газетаси «Ватан байроғи»да Гришаевнинг маҳоратн ва жасоратига бағишланиб очерклар чиққанини кўрдик...

Энди бу сатрларни ёзишга мажбур этган юқоридаги хат муаллифининг қисмати билан «оқшом»хонларни қисқача бўлсада таништириб ўтишни лозим топдик. Давлатжон ўзи айтганидек, болалик чоғида отадан ҳам, онадан ҳам жудо бўлиб, етим қолгач, бир неча вақт шаҳарма-шаҳар дайдиб юрганида наманганлик меҳри дарё кишилар болалар уйига жойлаштириб қўйишган. Бу фашистлар вақтинча босиб олган рус, украин, белорус районларидан кўчириб келтирилган болалар интернати эди. Давлатжон бир неча вақт турли миллат фарзандларидан ташкил топган интернационал тарбияланди, сўнг ўқиб ихтисослик ишчи бўлиб олди. Оила қурди, бола-чақали бўлди.

Тўлқин РУСТАМОВ.

ШУҲРАТ

ДЎСТИМ ХОТИРАСИ

Жангда ҳалоқ бўлган дўстимни
Тирилтириб берингиз менга.
Мағрур тутиб унинг дастини
Айтадиган сўзим бор унга.

Анча гаплар қолибди чала,
Бир яхшилаб отамлашайлик.
Унга муштоқ бу қир, бу дала,
Унга муштоқ бу боғ, бу сойлик.

Кетмасин деб кўзимдан йироқ,
Уй тўрига осдим расмини.
Кетмасин деб ўзимдан йироқ,
Бир ўтинмга қўйдим исмини.

Зафар билан қайтдим элимга,
Саломини айтдим дўст, ёрга.
Кетмонини олиб қўлимга,
Мағрур кирдим пахтазорига!

Кўзи билан боқдим уфққа,
Меҳри билан дадил иш тутдим.
Меҳрни сочиб она тупроққа,
Меҳри билан довонлар ўтдим.

Билагимда билагини сезиб,
Тилагимда тилаги турдик.
Орзусини маржондай тизиб,
Юрагимда юраги урдик!

Хаёлимда бўлди хаёли,
Умидини умидим билдим.
Оҳ, тирилса, иккимиз ҳоли —
Суҳбат қилсак— бир орзу қилдим!

Орзу қилиб, умри етмаган
Шаҳри кўркини бир келиб кўрсин.
Кўчат экиб, ўзи тотмаган
Меваларнинг шарбатин сўрсин!

Кезиб чиқсин боғу роғларни,
Кишиларнинг кўзига боқсин!
Бу кўзларда ўша чоғларнинг
Дарди ҳамон борлигин ўқсин!

Она юртнинг қалбида тирик,
Тириклигин бир ўзи кўрсин.
Меҳри билан ишлари йирик,
Йирик ишин гаштини сурсин!

Билсин, ҳаёт дафтарига у
Учмас қилиб мангу битилган.
У етмаган ният ва орзу —
Манзилига энди етилган!

Бу тупроқда унинг изларн,
Учмас бўлиб тиниқ турибди,
Бу боғларда унинг сўзларн
Қўшиқ бўлиб янграб юрибди!

Ёдн билан яшнаган тупроқ,
Ҳар чечакда унинг кўзи бор.
Йўқ, йўқ, дўстим, сен яхшилаб боқ
Ҳар заррада унинг ўзи бор!

Ёдн билан барқ урган юртим,
Ёдн билан топади камол!
Оҳ, тирилиб келсайди дўстим,
Севиничимдан қолар эдим лол!

Армон билан ёнмасдн дилн,
Унутмабдн у севган эли!
Демак бекор бўлмабди қурбон,
Ҳар қурбонга бўлсин шараф-шон!



Октябрь районидаги Кўкча маҳалласида жуда кўп Улуғ Ватан уруши ветеранлари истиқомат қилишади. Улар тез-тез мантаб, клубларга борнб, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.
СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) Ленинград мудофааси қатнашчиси, 81-мактаб директори, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Сандақбар Сандақмедов, 2-Украина фронтининг жангчиси Солиқ ота Юнусов, 1-Болтиқ фронтининг жангчиси, запасдаги гвардиячи полковник, республикада хизмат кўрсатган врач Ғани ака Раҳмонбердиев, 3-Белоруссия фронти қатнашчиси Саймдолим Аъзамхўжаев, 2-Белоруссия фронти қатнашчиси Ибодхўжа Қорахўжаев. Х. Суннатуллаев фотоси.

Оталар жасорати—фарзандлар мероси

ОТАЛИҚ ЁРДАМИ ТУФАЙЛИ

Улуғ Ватан урушининг ветеранлари ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Граждан авиацияси Узбекистон бошқармасида меҳнат қилаётган ветеранлар Чилонзор районидаги 79-ўрта мактабни ўз оталиқларига олишган. Уларнинг ёрдами туфайли бу ерда жанговар шон-шуҳрат музейи ташкил қилинди.

Корхонада ибратли меҳнати билан бошқаларга ўрнак бўлаётган собиқ жангчилар тез-тез мактабга келиб совет халқи ва Совет Қуролли Кучлари жангчи ва командирларининг Ватан озодлиги учун бўлган беомон жангларда кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилиб беришмоқда. Улар ўқувчиларнинг саволларига ҳаётдан олинган мисоллар жавоб бериб, уларни ҳақиқий ватанпарварлар этиб тарбиялашга ҳисса қўшяптилар. Яқинда мактабга запасдаги подполковник Иван Павлович Малютин келди. У ўқувчилар олдига байрам либосида ташриф буюрди. Кўкрагини қатор орден ва медаллар безаб турарди. Орадан кўп ўтмасдан ўқувчилар ҳузурига 15-қирувчи авиация полкининг ветерани Иван Петрович Задорний меҳмон бўлиб келди. У Украинани немис-фашист босқинчиларидан озод қилиш, оқ финларни тор-мор этишда фаол қатнашганди. Улуғ Ватан уруши йилларида бу жасур жангчи Сталинграддан Берлингача бўлган йўлни босиб ўтди. Унга жанговар хизматлари учун «Ватан уруши», «Қизил юлдуз» орденлари ва жуда кўп медаллар берилган.

Мактабга келиб, тарбия ишларини жонлантиришга 133-қирувчи авиация полки парашют хизматининг командири Вера Александровна Глазова ҳам катта ёрдам бермоқда. Ватан уруши йилларида бу аёлнинг қўли билан тахланган парашютлар кўплаб совет учувчиларининг ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қилди. Уруш даҳшатларини Вера Александровна билан бирга бошидан кечирган унинг турмуш йўлдоши Николай Васильевич Глазов ҳам тез-тез мактабга ташриф буюриб туради. Бу жасур учувчи уруш йилларида душманнинг 12 қирувчи самолётини ишдан чиқариб, ном тараган эди.

М. Т. Насекин жанговар фаолиятини оддий учувчиликдан бошлаган. Кейинчалик у полковник унвонини олишгача бориб етди. Шунинг учун ҳам ўқувчилар унинг жанг ҳақидаги хотираларини жуда беришиб тинглашади.

Хуллас, граждан авиацияси Узбекистон бошқармасида меҳнат қилаётган ветеранлар мактаб ўқувчиларини оталарнинг жанговар анъаналари руҳида тарбиялаш ишига бош-қош бўлишмоқда. Яқинда бу ерга яна икки киши ташриф буюрди. Уларнинг бири подполковник Ю. И. Акимов, иккинчиси эса подполковник Л. Н. Иконниковлар эди.

Тантанали йиғилишда сўзга чиққан ветеранлар 16-ҳаво армияси ветеранлари мактабга оталиқ қилишни ўз зиммаларига олганликларини айтишди. Улар ўқувчиларга ҳарбий хизматга тайёргарлик кўришларига ҳар томонлама ёрдам қилишмоқда. Уруш ветеранлари дарсларда қатнашиб, ўқувчиларнинг фанларни қандай ўзлаштираётганликларини ҳам қизиқтиб боришяпти. Улар мактабда ташкил қилинган 16-ҳаво армияси музейини янги экспонатлар билан тўлдиришга ёрдам кўрсатишяпти.

Хуллас, уруш ветеранлари совети Тошкент секциясининг аъзолари бўлган собиқ жангчилар ёш авлодни жанговар руҳда тарбиялашга ҳар томонлама кўмаклашишмоқда.

А. ИНОҚОВ.

СЎНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ

Алангали сўқмоқлар



Ана шундан кейин биз майорнинг жанговар хизмат йўли билан танишишга аҳд қилдик. Бу мақсад бизни СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти социал гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш кафедрасига бошлаб борди. Саид Аъзамович Аъзамхўжаев шу ерда кафедра мудири лавозимида ишлаяпти.

— Уруш қисматимизга тушган эди, — деди у камтарлик билан.— Ҳамма қатори азоб чекдик, порох ҳидладик. Яраланган жангчи ва офицерларни даволаб, сафга қайтариш биринчи галдаги вазифамиз эди.

Ҳа. Ватанга бўлган беқиёс меҳр уни кўнгиллилар сафига қўшилиш ва фронтга жўнашга ундади. Немис-фашист босқинчилари мамлакатимизга ҳиёнаткорона ҳужум қилганда, у эндигина медицина институтини тугатган эди. Ҳарбий комиссариат вакиллари унинг олдинги маррага бориш ҳақидаги илтимосини қондиришди. Ёш врач 948-артиллерия полкига бориб қўшилди. Ўшанда полк Москва остоналаридаги шаҳарларни жон олиб-жон бериб ҳимоя қилаётган эди. Азоб-уқубатли кунлар узоқ давом этди. Ниҳоят муз кўчди. Совет Армияси фашистларнинг шиддатли ҳужумини қайтариш билан бирга куч тўплашга муваффақ бўлди. Кейин босқинчиларни Ватанимизнинг муқаддас тупроғидан қувиб чиқиш бошланди.

Чекинаётган душман ҳар бир қарич ерни тиш-тирноғи билан ҳимоя қиларди. У «Кичик ер», Сталинград ва Москва остоналаридаги беомон олишувларда урушнинг тақдири ҳал бўла бошланғилиги, ўзининг ҳалокатли жар ёқасига тобора яқинлашиб бораётганлигини яхши биларди. Шу боисдан ҳам сўнгги имкониятларни ишга солиб, қўшинларимизга кўпроқ талафот етказишга ҳаракат қиларди. Саид Аъзамовичнинг хотирасида Днепрни кечиб ўтиш учун бўлган жанг муҳрланиб қолган.

Қўмондонлик даҳ дарёни кечиб ўтишга буйруқ берилган. Бўлинма, полк, қисмлар душманнинг тинимсиз ўқ ёғдириб туришига қарамасдан дарёнинг нариги соҳили томон интилмоқда. Шунда Саид Аъзамович ҳам олдинги марралаги жангчи ва офицерлар сафига кириб олди. Расчетлар ҳаракатини тартибга солиб бораётган полк командири М. И. Шлейников уни кўрдию, дарғазаб бўлиб бақирди.

— Ахир сен санитар эмас, полк врачининг қалбида ҳарбий академияга ўқишга киришга орзуси туғён уриб турарди. Бунинг учун у жиддий тайёргарлик кўрарди Ниҳоят 1977 йилда Рустамнинг бу орзуси ҳам амалга ошди. Катта лейтенант Қаюмов мамлакатимиз ва чет эл мамлакатларига ҳам шуҳрат таратган М. В. Фрунзе номли ҳарбий академияга ўқишга кирди...

Йиллар ўтади, ўзбек халқининг фарзанди капитан Қаюмов академияни битириб, олий ҳарбий билимга эга бўлган офицер дипломини олади. Уни ана жанговар ҳарбий хизмат кутяпти.

Майор А. ТЕРЕХОВ.

Ватан ўғлони

Эрталаб дарвоза тақиллади. Ҳасан ака эшикни очади. Почтальон ўғлидан хат олиб келибди. Совет Армияси сафида хизмат қилаётган ўғли Фарҳодбек ўз отасини «Ғалаба» байрами билан табриклабди. Ҳасан ака хатни ўқир экан, йиғитлик йилларн кўз олдида намоён бўлди.

...Нотинчлик эди ўшанда. Кўплаб тенгдошлари қатори ўз ихтиёри билан ҳаракатдаги армия сафига бориб қўшилди. Миномётчилар расчетига командирлик қилди. Дон дарёсининг бу томонида совет қўшинлари, нариги томонидаги Серафимович шаҳрида эса душман армияси турарди. Қўшинларимиз олдига Серафимович шаҳрини душмандан озод этиш вазифаси қўйилди. Белгиланган пайтда жанг бошланди. Лейтенант Ҳасан Илҳомов бўлинма жангчилари билан душман ҳаракатини ва ўт очиш нуқталарини ўрганиб чиқди. Чап қанотдан отаётган душман пулеметларини пиёда солдатларимизни безовта қилаётганини пайқашди. Бўлинма жангчилари душман пулеметларини аниқ мўлжалга олиб, миномётни ишга солишди. Кўп ўтмай душман пулеметининг овози ўчди. Бир ҳафта актив мудофаада бўлган миномётчилар ўнлаб душман расчётларини яксон қилиб, олдинга томон силжишди.

Тун қоронғисида 96-дивизия Дон дарёсини кечиб ўтиб, Серафимович шаҳрига кира бошлади. Бироқ душман сезиб қолиб, ҳар томондан ўқ ёғдира бошлади. Миномётчилар миномётдан ўт очиб, душманнинг пулеметларини яксон қилдилар. Жангчилар «ура» садолари остида ҳал қилувчи ҳужумга ташландилар. Бардош беролмаган душман кўп талафот бериб, шаҳарни ташлаб, қочишга мажбур бўлди.

Серафимович шаҳри озод этилгандан сунг Ҳасан Илҳомов ўз группаси билан навбатдаги ҳужумга тайёрланиш учун ана актив мудофаага ўтди. Распопинский станциясидаги жангдан сўнг лейтенант Ҳасан Илҳомов «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланди. У Сталинград, Украина, Польша, Руминия, Венгрияни озод этишда қатнашиб, Австриянинг Грац шаҳригача етиб борди.

Ҳасан Илҳомов кўкрагига «Қизил юлдуз», иккинчи ва биринчи даражали «Ватан Уруши» орденлари ҳамда кўплаб медаллар тақиб, она юртга —Тошкент шаҳрига қайтиб келди. Урушдан сўнг совхозлар министрлигида, янги ерларни ўзлаштиришда Мирзачўл совхозларида ишлаб, 1971 йилда қарилик пенсиясига чиқди. Ватан озодлигини қўлга киритиш учун қон тўкиб жанг қилган Ҳасан Илҳомов ҳозир кексалик гаштини сурятти...

Хонага турмуш йўлдоши кириб огоҳлантирди:

— Йиғилишга бораман деган эдингиз...

Ҳа, дарвоқе йиғилишда Ватан ўғлонларининг жасоратлари ҳақида сўзлаб бермоқчи эди. Ў кийинди, кўчага чиқди.

Х. МЎЙДИНОВ.



Кичик ер қаҳрамонлари хотирасига ўрнатилган мемориал комплексда Новороссийск шаҳри комсомоллари фахрий қоровуллнида туришибди.

И. Сабадаш фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ШУНДАЙ ХИЗМАТ ҚИЛИШМОҚДА

Капитан Қаюмовнинг хизмат йўли

Гвардиячи жангчилар сафга тизилишди. Буйруқ ўқиб эшиттирилди.

«Взвод жанговар ва сиёсий жиҳатдан эришган яхши натижалари, қурол ва жанговар техникани мукаммал эгаллашдаги муваффақиятлари учун катта лейтенант Қаюмов Рустам Наимович номи ёзилган қўл соат билан мукофотлансин...»

Рустам Қаюмов дадил қадамлар билан бирлашма командирининг олдига келди. Ҳаётида кўп нарсани кўрган, сочларига оқ оралаб қолган генерал стол устида турган соат солинган қутичани олиб, уни офицерга топширди.

— Юксак мукофот билан табриклайман,— деди у офицернинг қўлини маҳкам қисиб.

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан!— Фахр билан жавоб берди Қаюмов. Кейин яна дадил қадамлар билан бориб сафга турди.

Жанговар хизматларини юқори баҳолаб берилган мукофот Рустамда янги фахрланиш туйғусини уйғотди. У бундай қимматли мукофотни тинч машқ йилларида фақат яхшиларнинг энг яхшилари, кекса аалод ва оталарнинг жанговар анъаналарини, Улуғ Ватан уруши йилларида Ватан шарафи ва мустақиллигини қўлда қурол билан ҳимоя қилган қаҳрамон офицерлар ишини дадил давом эттираётган кишиларгина олишга сазовор бўлишларини яхши тушунарди.

...Рустам ўрта мактабни битирганидан кейин отасига шундай деди:

— Ҳарбий билим юртига бормоқчиман, офицер бўлмоқчиман.

— Оқ йўл, ўғлим,—деди отаси Наим ота.

Шундай қилиб, Рустам Қаюмов Тошкентдаги В. И. Ленин номли олий умумқўшин командирлари билим юртига ўқишга кирди. Ўқиш йиллари тезда ўтиб кетди. Рустам анча бақувват, жасур йигит бўлиб қолди. Билим юртида Рустам ленинчи Коммунистик партия сафига кирди. Бўлинманинг жамоат ҳаётида актив қатнашди. У жамиятимизнинг илғор отряди бўлган бўлинманинг етук жангчисига айланди.

Рустам ҳарбий билим юртини муваффақиятли тугатганидан кейин гвардиячи дивизияга жўнатилди. Худди шу орда офицер Қаюмов ҳарбий хизматда дастлабки қийинчиликларга дуч келди. Уларни бардош ва ирода билан енгишга ҳаракат қилди. У ўзи командирлик қилаётган взводни аълочилар сафига қўшиш, взводдаги ҳар бир жангчини жанговар техника, қуролни мукаммал билишига эришиш учун ҳормай ишлади. У худди шу жиҳатлар билан армиямиз қудратли эканлигини яхши билярди. Бу вазифаларни уддалаш ёш офицер учун анча қийин эди. Шунга қарамасдан у буни муваффақиятли уддалади. Мана самарали меҳнатнинг натижаси. Уни мукофотлашди.

Орадан бирмунча вақт ўтганидан кейин катта лейтенант Қаюмовни полк командири ўз ҳузурига чақирди. Жиддий суҳбат узоқ давом этди. Полк командири ёш офицерни яхши билар, унга ишонар, унинг келажаги учун бошқаларга нисбатан кўпроқ жон куйдирар эди.

— Ротани қабул қиласиз,— деди полковник. Лекин бир шарт билан, уни ҳам ҳозир ўзингиз командирлик қилаётган взводга ўхшаб, намунали ротага айлантирасиз. Келажакда сизни катта йўл: академия, полк, дивизия кутяпти. Фақат бир нарсани ёдда тутинг: меҳнат, тиришқоқлик ва яна меҳнат туфайлигина муваффақиятга эришиш мумкин.

Катта лейтенант Қаюмов полк командирининг таклифини иккиланмай қабул қилди.

Орадан икки йил ўтганидан кейин рота аъло почи роталар сафидан жой олди.

Кейин унинг ҳарбий хизматида яна юқорига кўтарилиш бўлди. Рустамни батальон командири лавозимига тайинлашди. Бу вазифани ҳам у муваффақиятли уддалади. Рустамга муддатидан олдин навбатдаги «капитан» унвони берилди.

Ҳамма вақт Рустам-

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. ХАЛИЛОВ: Бу йил саккизинчи синфни битираяпман. Электр пайвандчи ёки газ пайвандчи касбини эгалласам дейман. Шаҳримизда шундай касбни ўргатадиган ўқиш жойи борми, бўлса қаерда?

Жавоб: Ҳа, шаҳримизда шундай билим юрти бор. У Фрунзе районидаги 11-техника билим юрти. Билим юрти Ўзбекистон электромонтаж ихтисослаштирилган трести қошида очилган. У ерда электр ишлари ва пайвандлаш бўйича ихтисос олиш мумкин. Ўқиш муддати: саккизинчи синфни битирганлар учун — ўн бир ой, ўрта маълумотлилар учун — етти ярим ой.

* * *

М. КАРИМОВА, О. МАТЁҚУБОВ, Б. НАВРЎЗОВ, Р. САЪДУЛЛАЕВ: Тошкент шаҳрида музика ва санъат турлари соҳасига ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар борми, бўлса қаерда? Уларга қабул қилиш қондалари қандай?

Жавоб: Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига қарашли шундай мактаб-интернатлар бор. Масалан, шулардан бири Глиэр номли республика музика-интернати. Собир Раҳимов районидаги Студентлар шаҳарчасига жойлашган. Ўқиш муддати ўн бир йил. Биринчи синфга кириш имтиҳонидан ўтган ўғил ва қиз болалар қабул қилинади.

Октябрь районининг Самарқанд дарбоза даҳасида жойлашган Гагарин номли 1-мактаб-интернатда рус тилини ҳар тарафлама чуқур ўрганилади. Физика ва математика фанига ихтисослаштирилган мактаб-интернат Чилонзорнинг Қатортол даҳасида жойлашган.

* * *

Э. ИЎЛДОШЕВ:

Шаҳримизда География жамиятн бор деб эшитдим. Бу жамият қаерда жойлашган ва қандай ишлар билан шуғулланади?

Жавоб: — Ҳа, шаҳримизда шундай жамият бор. Бу — Ўзбекистон ССР География жамияти деб аталади. У Меҳнат Қизил Байроқ орденли В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг география факультети қошида жойлашган. Бу жамият СССР География жамиятининг энг қадимги филиалларидан бири бўлиб, 1896 йилда ташкил этилган. Жамият асосан географик билимларни омма орасида тарғиб қилиш, Ер ҳақидаги фаннинг актуал теоретик ва регионал масалаларини муҳокама қилиш билан шуғулланади. Жамиятда табиий география, география фанининг тарихи, иқтисодий география, картография ва аэрометодлар, шунингдек топонимика, ўлкани ўрганиш, туризм ва мактаб географияси секциялари мунтазам иш олиб бормоқда. География жамиятининг Фарғона, Самарқанд ва Қорақалпоғистон филиаллари ҳам мавжуд бўлиб, уларда жами 300 га яқин ҳақиқий аъзо бор.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА
ГАИ АХБОРОТИ

Мутахассислар 4-5 шиша пиво ичган киши орадан 5-7 соат ўтгач, рулни бошқариш мумкинлигини аниқладилар. Адҳам Юнусов эса, шунча пивони ичиб бўлган заҳоти машинани бошқаришга киришди ва бунинг учун жазоланди. У НЖ-2715 маркали 30-22 ТНМ номерли автомобилни ҳайдаб борар экан. Фрунзе номли майдонга келгач тезликни оширди, автомобилни бошқара олмай, уни темир-бетон тўсиққа олиб бориб урди.

Бу урилиш натижасида Юнусов жароҳатланди. Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги «Оргтехстрой» трестига қарашли автомобиль техник зарарланди.



РАҚҚОСАЛАР. М. Нуриддинов фотоэтюди.

Аҳил оила қурган, ижтимоий ҳаётда муҳим роль ўйнаётган ташаббускор, ғайратли совет кишиларининг ҳаётини ҳужжатли кадрларда тасвирлар экранимиз, нафис бўёқлар танлаймиз, бисотимиздаги энг нозик, сермазмун воситаларни қўллашга ҳаракат қиламиз. Шундай қаҳрамонлардан бири — Анастасия Чуднаяни меҳнатда, ўз оиласида кўриб, унга меҳр қўйиб, у ҳақда фильм яратдик. Бу асар экранларга чиққанига ўн йилча бўлди. Лекин ҳозиргача мен томошабинларнинг миннатдорчилик сўзларини эшитаман. Бунга сабаб —замондошимиз ҳақида, унинг ибратли

ЗАМОНДОШЛАР ҲАЁТИ ҲАҚИДА

фаолияти ҳақида ҳикоя қилганимизда бўлса керак. Бизнинг қаҳрамон — Анастасия ота-боболаримиз шугулланиб келган иш билан машғул. Фермаларда ишлаётган аёлларимизнинг меҳнатга бўлган муносабати ўзгарган. Ҳар бир ишчи ўз меҳнати самарасидан баҳраманд бўлмоқда. Ишлаб чиқаришда илғор техниканинг жорий этилишидан ҳар бир ишчи ҳам, катта ҳўжалик ҳам манфаатдор.

Биз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Чуднаяни шогирдлари даврасида ҳам, илмий лабораторияларда ҳам, фермада, оиласида ҳам суратга олдик. Унинг ҳаётини кенг кўламда акс эттирдик.

Инқилоб бошлаб берган улуғ давр кишилари ҳақида асарлар яратиш муқаддас бурчимиз. Бундай замондошларимизнинг ижодий меҳнатини тасвирловчи киноленталарни ҳорижий мамлакатлардан келган меҳмонларга — V халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчиларига ҳам кўрсатиб, оддий совет кишисининг ҳиммати, юксак мақсад йўлидаги фаолитини барчага намоён этамиз.

Азиз РАҲМОНОВ, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, режиссёр-оператор.

Тошкент-78

Бир шеър тарихи

Тўрт томчи кўз ёши

Бу воқеага унча узоқ бўлгани йўқ. 1977 йилнинг охирлари эди. Бешолти киши Самарқанд область Қўшработ район идаги Свердлов совхозининг ишчиси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, иккинчи группа инвалиди Бекпўлат Очиловникида гурунглашиб ўтирганди. Суҳбатимиз оловли йилларга бориб тақалди. Шунда хонадон эгаси чамадонини очиб, тўрт буклоғлик, сарғайиб кетган газетани кўрсатди. Унинг саҳифаларига кўз югуртирдик. У «Совет жангчиси» газетасининг 3 ва 4-саҳифалари бўлиб, 3-бетда «10 октябрь, 1943 йил. № 71» деб ёзиб қўйилган. «Шоввоз йигитлар, оқ йўл бўлсин, Ғарбга томон, олға!» деган умумий сарлавҳа остида Р. Мусаев, К. Черепанов, А. Глазков, И. Тўхтасинов, А. Сарсенбоевларнинг ўзбек жангчиларининг ҳаёт-момот жангида кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилувчи мақола ва хабарлар босилган. 4-бетда эса, «Тўрт томчи кўз ёши» шеъри, Александр Леведанинг «Запорожье» мақоласи ҳамда «Чет эллардаги рубрикаси остида «Италияда уруш ҳаракати», «Германия армиясида руҳий тушкунлик» деган хабарлар...

Бекпўлат Очиловдан бу газетани шунча йилдан бери кўз қорачиғидек авайлаб юришининг сабабини сўрадик.

— 1943 йилнинг охирлари эди,— ҳўрсиниб сўз бошлади Б. Очилов.—Днепр дарёсидан душманни қувиб ўтишда кўлимдан яраландим. Санчастга учрашгандим, жанг қилишга рухсат беришмади. Негадир хўрлигим келиб кетди. Доплаб юбораёздим. Ўшанда фарғоналик қуролдош дўстим Абдуллаев менга тасалли берди:

— Тезда яранг тузалиб кетади, яна сафимизга келасан, йиғлама, ҳали манфур ёвнинг бирталикда таъзирини берамиз,—деди ва газетани чўнтагимга солди.— Госпиталда ўқирсан, «Тўрт томчи кўз ёши» деган шеър бор. Жуда боплаб ёзибди...

Госпиталда йигирма кунча даволандим. Ярам тузалгач, ўз қисмимга бордим. Афсуски, Абдуллаевни учратолмадим. У ҳалок бўлган экан. Шу-шу газетани дўстимдан ўлмас хотира сифатида сақлаб юраман. Шеърни 35 йилдан бери ёд биламан. Уни ўқувчилар билан учрашувларда, катта йиғилишларда, дўстлар даврасида қуролдош дўстларимни эслаб, ўқиб бераман, Қўпчилик шеърнинг муаллифини сўрайди. Минг афсуски, шеър муаллифи ёзилган жой йиртилиб кетган...

У шеърни ўқий бошлади:

Қабул эт шеъримни улуғ коинот,
Тоғлардан, қирлардан кезиб боради.
Қабул эт шеъримни дилбарим— жаннат,
Дарёлар, қонлардан сузиб боради.
Ёдингда бор бўлса азизим, жоним,
Кузатиш учун дебп вокзалга чиқдинг.
Шу чоқда дийдангда севикли ёримм
Кўп эмас. тўрт томчи кўз ёшинг тўкдинг.
Тўрт томчи кўз ёшинг тўрт йиллик ҳижрон,
Тўрт томчи кўз ёшинг қалбга ўт ёқди.
Тўрт томчи кўз ёшинг юракни вайрон
Айлади, аммо у умид-ла боқди...
Тўрт томчи кўз ёшинг ҳурматн учун
Тўрт минг ёв қонксор бўлар нигорим,
Тўрт томчи кўз ёшинг тўрт йил бунёди
Енингга шон билан борайин ёрим.

Шу тариқа жўшқин ва равон 80 мисраклик шеър.

Мен хонадон соҳибига «Совет жангчиси» газетасида Ҳамза мукофоти лауреати, оқсоқол ёзувчимиз Назир Сафаров, каттақўрғонлик жангчи-шоир Раҳимжон Сатторов ишлаганликлари, газетанинг тўлиқ подшипкасини Р. Сатторовда кўрганлигимни, йўлим тушса шоир билан учрашиб, шеърнинг муаллифи кимлигини аниқлаб, хат ёзиб юбораман, деб вазда бердим...

Хизмат юзасидан яқинда Каттақўрғон шаҳрига бордим. Қайтишда жангчи-шоир Р. Сатторов билан учрашиб, Бекпўлат Очиловнинг уйида бўлган суҳбатни айтиб бердим. У билан биргаликда «Совет жангчиси» газетаси подшипкаларини кўздан кечирдик. «Тўрт томчи кўз ёши» сарлавҳали шеърни дарров топдик. У қўшиқчи-шоир Маъруф Қориевнинг шеъри экан...

«Ҳурматли Бекпўлат ака Очилов!

Сиз, Маъруф Қориевни танийсиз. Унинг номини қўшиқлари орқали деярли ҳар куни эшитасиз. Шунга қарамай у киши ҳақида қўйидагиларни билиб қўйсангиз яхши бўларди. М. Қориев қаҳрли йилларда қаламини найзага тенглаштириб душман кўксига санчди. Жангчиларимизни душмандан ўч, қасос олишга ундовчи, гўзал диёрни, онани, дўстликни мадх этувчи шеърлар ёзди. Урушдан зафар билан қайтгач, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетида ишлади. Маъруф Қориев ўтган йили вафот этди. Аммо ундан инсонийликни, гўзалликни, меҳнатни, дўстликни улуғловчи жуда кўп шеърлар мерос бўлиб қолди. Уларни таниқли ҳофизларимиз, моҳир бастакорларимиз, хушовоз хонандаларимиз қўшиқ қилиб куйламоқдалар, янги-янги куйлар басталамоқдалар.

Унинг жанговар йилларда фаолияти ҳақида қизиқсангиз, 1944 йил 5 майда «Совет жангчиси» газетасида майор Ш. Шомаъдиевнинг «Ижодий йўл» сарлавҳали мақоласида келтирилган қуйидаги жумлалар билан кифоялансангиз бўлади: «Совет жангчиси» ва офицерларимиз ўз мақолалари, хабар ва шеърлари билан актив қатнашмоқдалар, улар ўз маҳсулотлари билан жангчиларимизга уруш санъатини ўргатмоқдалар ва уларни Ватанга муҳаббат, душманга нафрат руҳида тарбияламоқдалар.

Бу борада фронтимиз шоирлари старшина Раҳимжон Сатторов ва лейтенант Маъруф Қориевнинг хизматлари катта. Фронтнинг энг қийин шароитларида улар ўз ижодий ишларини такомиллаштирмоқдалар ва талантларини намойиш қилмоқдалар. Мазмунан юксак, бадиий жиҳатдан гўзал шеърлар яратдилар. Газета саҳифаларида уларнинг босилиб чиққан шеърларини жангчиларимиз завқ билан ўқийдилар, турли куйларга солиб, оғизмаоғиз қўшиқ шаклида айтиб юрадилар, қирқлик олиб, севикли дўстлари, севган каллиғи ва ёру биродарларига юборадилар.

Старшина Р. Сатторовнинг «Кўп яшанг», «Кўт мени» сарлавҳали шеърлари, лейтенант Маъруф Қориевнинг, айниқса, «Икки баҳор» сарлавҳали шеъри бунга ёркин мисол бўла олади».

Бекпўлат ака!

Шубҳа йўкки, Сиз 9 Май — Ғалаба куни дўстларингиз даврасида «Тўрт томчи кўз ёши» сарлавҳали шеърни ўкийсиз. Албатта, дўстингиз марҳум Абдуллаев, жангчи шоир Маъруф Қориевнинг номини тилга оласиз. Модомики шундай экан, улар ҳамиша биз билан бирга; барҳаётдир.

Ў. НУРМУҲАМЕДОВ

Адабиёт ва санъат

• Маданий мероснмиздан

АВФИЙНИНГ НОДИР ҲИКОЯТЛАРИ

Муҳаммад Авфий талантли ёзувчи, нуқтадон адабиётшунос ҳамда моҳир таржимон сифатида XII — XIII асрлар Ўрта Осиё халқлари маданияти ва адабиёти тарихида муҳим ўрин тутади. Зероки, шу даврда Ўрта Осиёда етишиб чиққан ижодкорлар орасида асарлари нисбатан мукаммалроқ сақланиб қолгани ҳам Муҳаммад Авфийдир...

Муҳаммад Авфий тахминан 1172—1177 йиллар орасида Бухорода туғилган. Унинг болалик ва йигитлик йиллари туғилган юртида ўтади. Рукниддин Масъуд Имомзода Бухорий, Али Бурҳон, Қутбиддин Сарахсий каби заковатли олимларидан таълим олади, Самарқанд, Хоразм, Нисо ҳамда Хуросоннинг турли шаҳарларида бўлиб, илм-адаб аҳллари суҳбатларида бўлади, юрт кўради, эл танийди, Нишопурда ўша давр араб ҳамда форсий тилидаги шеъриятни ўрганиш билан машғул бўлади. Лекин бу орада мўғуллар Ўрта Осиёга ёпирилиб келади. Муҳаммад Авфий ўз Ватанига қайтаолмай, Ҳиндистонга ўтиб кетишга мажбур бўлади. Олим Ҳиндистоннинг Учҳ, Гужарой вилоятларида яшаб, турли вазифаларни бажаради, ижодий ишлар билан шуғулланади. Умрининг охирги йилларини Деҳлида ўтказган Муҳаммад Авфий 1227 йили вафот этади.

Муҳаммад Авфийдан бизга қадар бир таржима, «Лубобул-албоб» («Идрок хулосалари») тазкираси, «Жавомеъ-ул-ҳикоят, лавомеъ-ул-риво я т» ҳикоятлар тўплами етиб келган. Маълумки, XIII асрга қадар форсий тилда кўп тазкиралар ёзилган. Лекин, улардан бизга қадар тўла сақланиб қолган «Лубобул-албоб»дир. Ўн икки бобдан иборат бўлган ушбу тазкирада олим шеърият назариясига доир фикр-мулоҳазаларини баён этади, араб ҳамда форсий тилда биринчи бўлиб шеър ёзган шоирлар ҳақида мулоҳаза юритади. Ҳиндистон, Мовароуннаҳр, Хуросонда яшаб ижод этган 299 шоирнинг ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида маълумот беради. Бу асар IX—XIII асрлар форсий тилдаги адабиётини ўрганиш, адабий-эстетик қарашлар тарихини аниқлашда энг нодир ва мўътабар манба ҳисобланади.

Муҳаммад Авфийнинг «Жавомеъ-ул-ҳикоят» асари шарқшунос И. Низомитдиновнинг аниқлашича, икки мингдан зиёд ҳикоят, ривоят ва тамсилларни ўз ичига олган. Тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда Муҳаммад Авфий мазкур асарни яратишда ўзигача яшаган арабийнавис ва форсигўй олимларнинг 90 дан зиёд тарихий, илмий асарларидан фойдаланган. Бундан ташқари, олим кўпгина ҳикоятларни бевосита ўз ҳаёт тажрибалари асосида, оғзаки ижод материаллари, халқ нақллари асосида битгани ҳам шубҳасиз. Баъзи ҳикоятларда бунга ўзи ҳам ишора қилади. Адиб ҳикоятларининг аксарияти инсоф ва адолат, ақл ва заковат, вафо ҳамда садоқат, инсонпарварлик, мардлик, жасорат, илм-ҳунарга даъват сингари ранг-баранг ҳаётий масалаларни, юксак инсоний аҳлоқ-одобни, идрок ва донишни тарғиб этишга бағишланган. Унинг ижодини ўрганиш, оммалаштиришда М. Бақоев, Ш. Шомуҳамедов, мутаржим Киброиё Қаҳҳороваларнинг хизматлари катта. Шарқшунос олим М. Бақоев М. Авфий ижодини пухта ўрганиб «Жавомеъ-ул ҳикоят»нинг бир қисмини 1966 йили нашр эттирган эди. Кейинчалик Киброиё Қаҳҳорова бу асардан бир қанча ҳикоятларни таржима қилиб, «Ажойиб ҳангомалар» (1974) китобида эълон қилди. «Нодир ҳикоялар» китобининг нашр этилиши Муҳаммад Авфий ижоди билан китобхонларни таништиришда янги бир дадил қадам бўлди.

Китоб жонли, ихчам, аммо ғоятда пухта битилган сўзбоши ҳамда ҳикоятлардан иборат. Сўзбошида ўзбек тилида биринчи марта Муҳаммад Авфийнинг ҳаёт йўли, ижодий биографияси ҳийла мукаммал баён этилган. Ёзувчининг ижодий мероси ҳақида сўз юритганда, муаллифлар бир томондан ёзувчи асарларининг мундарижаси, уларнинг етакчи хусусиятлари билан китобхонни таништирса, иккинчидан, жаҳон шарқшунослигида «Лубобул-албоб», «Жавомеъ-ул ҳикоят» асарларининг ўрганилиши тарихи, турли тилларга қилинган таржималар нашрлари хусусида маълумот беришган. Бу мўъжаз муқаддима улуғ олим ва ёзувчи сиймосини китобхон кўз ўнгида бирмунча тўла гавдалантиради.

Мутаржимлар имконияти борича ёзувчи ижодининг етакчи жиҳатларини кўрсатадиган ҳикоятларни сайлаб олишга ҳаракат қилишган. Ҳар бир ҳикоятнинг ўзига хос баён услубини таржимада сақлашга, бадиий тасвирий воситалар, ибораларни ўзбек тилида чиройли ҳамда таъсирчан чиқишига, ёзувчи тасвир приёмидаги ранг-барангликка путур етказмасликка ҳаракат этган. Зероки, «Жавомеъ-ул ҳикоят»даги баъзи ҳикоятлар ровий, нақл, сайёҳ тилидан келтирилса, бир хиллари ўтмиш тарихчилари ёки бевосита муаллиф тилидан саргузашт, хотира тарзида келтирилади.

Услубдаги баъзи ғаройибликларга қарамасдан («Ровиларнинг айтишича», «Эр қизга рухсат берди») барча ҳикоятлар таржимаси муваффақиятли чиққан. «Нодир ҳикоялар»нинг анча ўқимишли чиқишида муҳаррир Н. Норқўловнинг ҳиссасини ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин. Чунки муҳаррир асарни пухта таҳрир қилишдан ташқари, унда учрайдиган тарихий, афсонавий шахсларга, манбаъларга батафсил шарҳ илова қилганким, у китобхонга анча қулайлик туғдиради, билим беради.

Хуллас, «Нодир ҳикоялар» орқали кенг илм-адаб аҳли, китобхонлар оммаси ватандошимиз Муҳаммад Авфий ижоди билан яқиндан танишишга муваффақ бўлдилар. Бу тўплам дарёдан қаралардир. Ўйлайманки, таржимонлар ва нашриёт ҳайрли ишни давом эттириб. Авфий ҳикоятларининг тўлароқ тўпламини нашр эттиришга эришадилар.

Ҳ. ҲАМИДОВ, филология фанлари кандидати.

(*). М. Авфий, Нодир ҳикоялар, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. Форсийдан И. Низомитдинов, Т. Файзиев таржимаси.

Шаҳримиз маданият саройларида

Камолот сари

Эрта баҳорнинг салқин шабадаси эсмоқда. Пойтахтимизнинг серқатнов кўчаларидан бўлган Шота Руставели ва Богдан Хмельницкий кўчаларининг туташган жойда Қизил Байроқ орденли А. Ю. Гагарин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг маданият саройи жойлашган. Бу ер ҳамиша ишчи-хизматчилар, студент ва ёшлар билан гавжум бўлади.

...Маданият саройидамиз. Зал ўзига хос усулда безатилган: рассомларнинг ранг-баранг асарлари, палаткалар, партия ва ҳукуматимиз чақириқлари. Бадиий ижтимоий-сиёсий китоблар кўргазмалари.

— Ю. А. Гагарин номли тўқимачилар маданият саройи 1936 йил ташкил топди,— дейди маданият саройи директори Тўра Жўраев. — Илк бор бадиий ҳаваскорлик тўгарагидан бошланган кичик бир коллектив йил сайин такомиллашиб, кенгайиб борди, янги-янги ҳаваскор, истеъдодлар келиб қўшилади. Бугун маданият саройимизда 42 тўгарак фаол ишлаб турибди, жумладан, ўзбек халқ рақс ансамбли, халқ театри, бадиий сўз санъати тўгараги, эстрада ансамбли, кино ҳаваскорлик, тасвирий санъат, халқ студияси, рус драма театри ва бошқа тўгараклар шулар жумласидандир. Қизиғи шундаки, бу тўгаракларнинг деярли ҳаммасига ишлаб чиқаришдаги ёшлар жалб этилган.

Маданият саройи халқ театри коллективи ижодий фаолияти мобайнида бир қанча муваффақиятларни қўлга киритди. Қатор драматик асарларни сахнага қўйиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Халқ театри коллективини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аҳмад Юнусов бошқаради. Яқинда халқ театри коллективи Иззат Султоннинг «Кўрмайин бостдим тиканни» икки пардали драматик асарини сахнага қўйиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Ҳаваскор рассом ва ҳайкалтарошларнинг ишлари ҳам диққатга сазовордир. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Буолма Жўраева, Лидия Павловна Кузанцева, М. Йўлдошева, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари Дилбар Қулматова, Вера Солдатова каби ишлаб чиқариш илғорларининг бронза ва ганчдан ишланган бюстлари, бадиий портретлари тасвирий санъат кўргазмаси залларидан ўрин олган. Тошкент метроси тасвирланган плакатлар рассомларимиз мўйналамида ўз аксини топди. Ҳаваскор рассомлар яқинда Иваново шаҳрида очиладиган тасвирий санъат кўригига қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Уларнинг 150 та полотнаси, 69 та ҳайкалтарошликка оид бўлган санъат асарлари намойиш қилинади.

Бадиий ҳаваскорлик тўгараги дастлаб саноқли ҳаваскор ёшни жамлаган эди. 1953 йили йирик ўзбек халқ рақс ансамбли ўсиб чиқди. Ҳозирги кунда бу ансамблининг бадиий раҳбари Ўзбекистон ССР халқ артисткаси Маргарита Оқилованинг. Ансамбль хизматлари бир неча йиллар давомида муносиб тақдирланмоқда.

Ўтган йили ансамбль коллективи санъат байрамида юксак совриН— «Олтин ковушча» мукофотига сазовор бўлди. Худди шу йили бу ансамбль Ўзбекистон Ленин комсомолининг лауреати бўлди.

...Маданият саройининг кенг заллари шарқ услубида юксак дид билан безатилган. Кенг ва ёруғ хоналарнинг биридан ёқимли лирик куй эшитилса, бирида халқ театри коллективи репетиция қилаётганининг гувоҳи бўласиз. Бошқа бир хонада ҳайкалтарош ўз қаҳрамонининг аксини тошда йўнятти, ёнбошдаги хонада эса рассом мўйқаламидан янги асар бунёд бўлятти...

А. КЎЧИМОВ, Э. НОРБЕКОВ.



Рига пионерлар саройининг «Угунтиня» ансамблини иттифоқимизда яхши билишади. Унинг программасида СССР халқларининг рақслари ва балет композицияларн кенг ўрин эгаллаган. Яқинда бу коллективга халқ ансамбли фахрли номи берилди.

СУРАТДА: ансамбль латишча рақс ижро этмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

ШЕЪРИЯТ ЙЎЛЛАРИДА

ҲАВАСКОРЛАРНИНГ МАШҚЛАРИНИ ЎҚИБ

ГЎЗАЛЛИК нафосатга ошна дилларда шеърият оташин иштиёқ бўлади. Бу— кишини ёзишга, юракка туён солган ҳисларни қоғозга туширишга даъват этади. «Мен,—деб ёзади Тошкент Давлат университети студенти Назира Саломова, — шеъриятни чин дилдан севаман. Анчадан буён ўзим ҳам машқ қилиб келаман. Кўклам либосига бурканган ҳаёт ҳақида, унинг тенгсиз чиройи, латофати ҳақида ёзгим келади».

Олис уфқлардан кўзим узолмай
Тенгсиз гўзалликни қучаман ҳар зум.
Лолалар шивирлаб, ўйим бузолмай—
Боқади масъум.
Қуртаклар шабнамдан сирғалар тақиб,
Бу тенгсиз чиройга этади таъзим.
Булбулнинг ғазали гулга хуш ёқиб—
Боқади масъум.

Назира Саломованинг «Олис уфқлардан кўзим узолмай...» шеъри ҳам ёш шоирларнинг иқтидоридан, шеърият сирларини анча-мунча эгаллаганидан далолат беради. Назиранинг «Йўлларимга чиқмагил бўкун...», «Онажон» каби шеърлари ҳам жозибали сатрларга, ўзига хос ташбеҳларга бой. Бу машқларда чинакам шеърият нафаси аён сезилади:

Йўлларимга чиқмагил асло,
Ташнамасман висолга бу кун.
Севгимга ҳам позиммас баҳо,
Фароғатдан кечгайман бу кун,
Йўлларимга чиқмагил асло.

Шубҳасизки, бу сатрлар Назира Саломованинг шеъриятга майли бор эканлигига умид туғдиради.

Қашқадарёлик ёш шоир Карим Пардаевнинг «Наврўз» шеъри хусусида ҳам шундай илиқ гаплар айтиш мумкин. Шоир бир ўринда наврўз тантаналарини тасвирлаб, шундай сатрлар битади:

Меҳмондўст чўпон қиз-гулру-гунча лаб
Қимизи лим тўла коса тутади.

Бу сатрларни ўқир экансиз, наврўз шодиёнаси, қимиз тутиб турган йигит ҳам, қиз ҳам «ярқ» этиб кўз ўнгимизда жонланади. Лекин шеърнинг бўлак ўринларида бу хусусият кам кўзга ташланади.

Ёш шоира Марғуба Отахонованинг машқлари ҳам Назира Саломованикини сингари сероҳанг. Жўшқин, туйғуларга бой. Унинг «Шеър битсам...» машқини ўқиётиб, киши бенихтиёр қачонлардир бошидан кечирган, олис ёшликда қолган туйғулар таъсирига тушади. Олис хотираларни эслайди. Зотан шеърнинг кучи ҳам шунда-да!

Дунё экан,
Ишқ деган савдо
Борми фақат менинг бошимда?
Кимни этмас бу ҳаёт шайдо.

Ким шеър ёзмас менинг ёшимда! деган эди шоир Эркин Воҳидов. Ёшлик кезлари кўпчилик қўлига қалам олади. Шеър ёзади. Лекин шуниси борки, гарчи унинг шеър бўлишини қанчалик истасангиз-да, ёзилган нарсанинг ҳаммаси шеър бўлавермайди.

Мана, қўлимизда ҳаваскор қаламкаш Дилмурод Саидовнинг бир дастта машқлари. Бу қаламкаш редакцияга кетма-кет дасталаб машқларни йўллаб туради.

Кўнгил— боғдир, раъноси—орзу,
Кўнгил— раъно, хушҳиди— орзу.
Кўнгил тоғдир, жилоси—орзу(?)
Кўнгил— само, хуршиди— орзу (!)

Узундан-узун бу машқ шу йўсинда давом этаверади. Ниҳоят охири шундай хулоса чиқарилади:

Кўнгил била бор севги-туйғу
Бордир ишонч, кўнгил бор демак,

Ҳар қандай автор қўлёзмасини редакцияга йўллар экан, табиийки, унинг босилиб чиқишини ҳавас қилади. Чиқиши ҳавас қилинган асарда жиндак бўлсаям поэзия бўлиши керак-ку, ахир! «Кўнгил-у, кўнгил—бу» деган гапни тўқсонга кирган чол ҳам, умри даштда ўтган чўпон ҳам, қолаверса, биринчи синф ўқувчиси ҳам айтиши мумкин! Маълум бир қофияни топиб, унга сўзларни тиркаш ва мана шу маънисиз сўзлар йиғиндисини «шеър» дея номлаш кишига бир нарсани эслатади. Ҳар қандай ўқувсиз одам ҳам тўртта ёғочни тиклаб, бесўнақай қапа ясаши мумкин! Лекин уни меъморлик обидаси, санъат кошонаси, дейиш кулгули бўлар эди. Чинакам санъат кошонаси яратадиган меъморлар миллиондан битта бўлганидек. чинакам санъат асари яратувчи шоирлар ҳам миллиондан биттадир. Д. Саидовнинг машқларини ўкиб, бу «еламкаш шеъриятнинг қудратини, бурчини, вазифасини ҳам дурустрок тушунмайди чоғи, деб ўйлайсан киши. Бизга талай машқларини йўллаган Бахтиёр Бойқобилов, Чори Латипов, Бердулло Абдуллаев, Насиба Каримова, Комилжон Йўлдошев, Нормўмин Ғафуров, А. Маманов, Абдусамад Муқимов, Қаршибой Норинбоев, Аҳмад Маматқулов, Қурбонниязи Киргизбоев, Ҳаким Жумаев, Бозор Эшиқувватов, Анвар Мухторов, Саломат Тоғаева, Абдуғани Камолов, Абдуғаффор Ҳайитов, Нусрат Абдусаломов, Анваржон Мухторов каби қатор қаламкашларга ҳам худди шу гапларни таъкидлаб айтишни истар эдик.

Ҳаваскор қаламкашларнинг яна бир тоифаси бор. Уларнинг машқларида образли ташбеҳлар ҳам, чиройли ибораларҳам бор. аммо маънисиз сатрлар ҳам учрайди. Наманганлик ҳаваскор Куброхон Раҳимбердиева, тошкентлик Султонмурод Музаффаров, ёш шоиралар Ўсара Хўжабекова. Асрановаларнинг машқларида шу хусусият аён сезилади.

«Санъат ҳарокка мансуб ҳодисалар турига киради, — деган эди В. Г. Белинский, шу сабабли шеър ёзишни ўрганиб бўлмаганидек, поэзияни тушунишни ҳам ўрганиб бўлмайди. Гўзалликдан яхши тассурот ола билиш ўзига хос талантдир. У илм билан ҳам, таҳсил билан ҳам машқ билан ҳам қўлга киритилмайди, балки табиат томонидан берилади».

Улуғ танқидчи шеър ёзишни ўрганиб бўлмаслигини, шоирликни касбга айлантириб бўлмаслигини айтяпти! Истеъдод табиатнинг маҳсулидир. Шеър машқ қилдирган қаламкашлар буни унутмасинлар.

Қ. ҚАҲРАМОНОВ.

Маҳорат намойиши

Ҳамза номидаги Тошкент Давлат музика билим юртининг концерт залида доҳиймиз В. И. Ленин ғояларини мадҳ этувчи концерт бўлиб ўтди. Концертни музика билим юртининг ижрочиси 11 республика ўзбек халқ чолғу асбоблари конкурсининг лауреати Ш. Зиёев бошлаб берди. У С. Юдаковнинг «Ҳосил байрами» Ж. Бизе ва Сарасатенинг «Фантазия»сини ижро этди.

Билим юртининг IV курс ўқувчилари «Санъат байрами» конкурсининг лауреатлари Р. Асроров ва Ш. Алиматов, М. Тожиевнинг «Шарқ куйлари». И. Шопенинг «Вальс». А. Сабзановнинг — «Помир қўшиғи» ва бошқа композиторларнинг куйларини намойиш этишди.

А. РАИМБОЕВА.

«Ишчи бўлишни хоҳлайман»

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида ҳунар-техника билим юртини битириб чиққан ёш ишчининг камол топиши меҳнат фаолиятининг бошида у дуч келган проблемалар тўғрисида фильм яратилди. Бу фильм «Ишчи бўлишни хоҳлайман» деб аталган. Эндигина ҳунар ўрганиб босмахонага ишга келган ёш матбаачилар бу ҳужжатли лентанинг бош қаҳрамонларидир. Картина авторлари — режиссёр Б. Музаффаров ва сценарийчи В. Мельник коллектив ёш ишчини қандай кутиб олиши, унга — эътибор бериши ҳамда дастлабки кунлариданоқ ёш ўринбосар тўғрисидаги ғамхўрлик ҳақида ҳикоя қилади.

(ЎзТАГ).

3 бет. Тошкент оқшоми

8 МАЙ, 1978 й.

физкультура ва СПОРТ

ЧАҚҚОНЛИК ВА БАРКАМОЛЛИК МАНБАИ

Ким кучли, соғлом-бақувват бўлишни хоҳламайди дейсиз? Бу хислатлар кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бунинг учун биринчи навбатда спорт билан шуғулланиш зарур. Демак, куч ва ҳаракат спорт билан чамбарчас боғлиқ экан. Спортда ғалаба катта меҳнат, тинимсиз изланиш туфайлигина қўлга киритилади. Ўзбекистонимиз қадимдан ўз полвонлари билан донг таратиб келган. Шарқ халқларининг Рустами, Асфандиёри, Сўхроби, Барзуе, Аҳмадзамгию, Бомонлари, Паҳлавон Маҳмудларини кимлар эшитмаган дейсиз. Улар бир вақтнинг ўзида чавандозлиги қиличбозликни моҳирлик билан уддалай олувчи паҳлавон бўлганлар. Уларнинг авлодлари бўлмиш яқин ўтмишдаги Аҳмад ва Тошполвонлар, ўшлик Жалолл, тошкентлик Зуҳур полвонлар билан халқимиз асрлар оша фахрланиб улар ҳақида ривоятлар, қўшиқлар тўқиган. Тошкентлик Мулла Нур деган забардаст киши бўйрабозодаги ботқоқа ботиб қолган аравани юки билан тортиб чиққанлиги, гурланлик Искандар полвон юкидан ажралган кўприкни елкасида кўтариб, қовун-тарвуз ортилган араволарни ўтказиб юборганлиги ҳануз оғиздан-оғизга ўтиб юради. У пайтларда спорт учун биров жон куйдирмас, спортчиларнинг катта йўлга чиқиши учун ҳеч қандай шарт-шароит йўқ эди. Ҳозирги вақтда партия ва ҳукуматимиз спорт ишларига оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Республикамизда 2,5 миллиондан зиёд физкультурачи ва спортчи мавжуд. Аммо уларнинг аксарияти нотидоий жисмоний тарбия усулидан фойдаланишяпти. Натижада спорт билан шуғулланмаган, куч-қувватидан унумли фойдаланмаган ёшларнинг аксарияти бақалоқ бўлиб қолияптилар.

Аслида бақалоқлик саломатлик аломати эмас. Мушакларни ёғ босган бўлади. Ёғли мушакнинг, шунингдек, юракнинг куч-қуввати бўлмайди. Бунақаларни халқимиз «хомсемиз» дейди.

Муттасил ҳаракатдаги организм сарв қомат бўлади. Мушаклар ривожланиш билан бирга кучга тўлиб боради. Ҳаракат ўз навбатида организмнинг иссиқ ва совуққа чидамлилигини оширади. Спорт билан муттасил шуғулланган кишининг бадани бамисоли мустаҳкам қалъага айланган бўлиб, унча-мунча дардга чалинмайди. Ҳаракатдаги кишининг бош мияси қон ва кислород билан тўла-тўкис таъминланади. Ваҳоланки, бош мия организмдаги кислороднинг учдан бир қисмини талаб қилади. Бу миқдорни бош мияга машқ, ҳаракат етказиб беради. Кислород етарлича бориб турган бош мия фаолияти нормал равишда ишлайди, фикрдаши кенг ва осон бўлади. Машҳур файласуф Арасту кўпинча шогирдларига йўл-йўлакай сайр этиб дарс берар экан. Арасту бу ҳақда шундай дейди: «Сайрда фикр юргизиш, ўзлаштириш ва ҳаттоки тафаккур этиш осон ва жонли бўлади».

Жан-Жак Руссо «Ҳаракат мия сергаклигини ва фикрлаш қобилиятини оширади», деган эди. Машҳур биолог И. Павлов «Мия билан бирга қўллар ҳам ҳаракатга келса, яъни физкультура машқлари кишини йўлдоши бўлса, олимларнинг ижодий ишлари ҳам унумли бўлади» деб бекорга айтмаган. Мияни қон-кислород билан етарли даражада таъминлаш учун аввало бошни бир неча бор ўраб ва сўл томонга қаратилади. Ётиб олиб оёқларни кўтариш машқи ҳам мияни етарли даражада қон билан таъминлайди. Машқ ёстиқсиз ўтказилса яна ҳам яхши. Сўнгги машқлар икки қўлда, кураклари ёки бошда туриб, оёқларни даст кўтаришдан иборатдир. Бу машқлар тани ва юраги соғ кишиларга мўлжалланган.

Бинобарин, ҳар бир спортнинг негизида ақлий ва жисмоний ҳаракат ётади. Ҳаракатдан организм ривож топади. Саломатлик, хушсуратлик, узоқ умр сирлари ҳам ҳаракат билан боғлиқ. Чунки ҳаёт ҳаракатга тақозо этади.

Ёшларнинг меҳнатсевар, спортга қизиқувчан бўлиб етишида отанинг ҳам роли муҳимдир. Ҳаёт тақозоси билан гўдак оёқ-қўлларини ҳаракатга келтириб, типирчилайди. У аста-секин улғая боради. Ота-она бола улғая бориши билан унга ўзига мос бўлган юмушларни буюриши зарур. Аста-секин фарзанд табиатан югуришга, сакрашга ўрганиб боради. Ёшлигидан спорт билан шуғулланиб борган рус қизи Т. Казанкина Монреалда 800 метр масофани 1 минуту 54.94 секундда, 1500 метр масофани эса 4 минуту 0,548 секундда босиб ўтгани кўпчиликни ҳайратга солди. Ёшлигидан сакраш кундалик машғулотига айланиб қолган В. Подлужчиний олимпиадада 7 метру 83 сантиметр узунликка сакради. В. Санеев эса уч ҳатлаб 17 метру 29 сантиметр масофани забт этди. Бу икки спортчи олимпиаданинг олтин медалини қўлга киритишди.

Бола ёшлигидан сувда ўйнашга мойил бўлади. Аста-секин сувда сузишни ўрганади. Сувда роҳат қилган бола аста-секин сузиш машқини, баландликдан сакраш санъатини ўзлаштиради. Сув билан ошно киши соат ва метрни қўлга олади-да ўз-ўзини текшира боради. Ана шу усул билан мунтазам шуғулланган ГДРлик П. Тюмер 800 метрни энг қисқа вақтда 8 минуту 37,14 секундда эркин сузиб ўтди. Бу жаҳон ва олимпия рекорди деб тан олинди. Камондан отиш, мўлжалга отиш бизга азалдан маълум. Спортнинг бу турлари билан ўтмиш авлодларимиз ҳам шуғулланишган. Спортнинг ҳар бир соҳасида муваффақиятга эришиш учун машқ қилиб бориш зарур. Рус паҳлавони Василий Алексеев икки ҳаракатда 440 килограмм оғирликдаги штангани бирдан кўтармаган албатта. Навбат-банавбат машқ қилиб охири шу даражага етган. Республикамиз спортининг юлдузлари, қолаверса, Иттифоқимизнинг таниқли спортчилари машҳур боксчи Руфат Рисқиев, Эркин Каримов, Собир Қурбонов. Абдулла Отаевлар тинимсиз машқ туфайли шундай муваффақиятларга эришишган. Халқаро спорт мусобақалари ғолиблари Р. Сиддиқов, Б. Оқилов, Н. Ризаев, С. Рўзиевларни халқимиз фахр билан тилга олади.

1978 йилда спортчиларимизнинг республика ва Бутуниттифоқ мусобақаларида фаол иштирок этиши кўзда тутилган. Сентябрь-октябрь ойларида ўтказиладиган мактаб ўқувчиларининг XV Бутуниттифоқ спартакиадасида спортнинг 21 тури бўйича 7 мингдан зиёд киши қатнашиши керак. Шунингдек Тошкент, Андижон, Фарғона, Чирчиқ шаҳарларида ҳам Бутуниттифоқ мусобақалари ўтказилади.

Ақл, куч ва ғайратни мужассам этган ўғил қизларимизни катта спорт майдонига чорлаймиз.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
З. ЭГАМБЕРДИЕВА,
медицина фанлари кандидатлари.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8, 9 МАЙ СОАТ 19.30 да

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ, САТИРИК ЁЗУВЧИ

САИД АҲМАД

ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН

КУЛГИ ВА ТАРАННУМ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ ТЕЛЕМИНИАТЮРА ТЕАТРИ АРТИСТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ БАХТИЁР ИХТИЁРОВ

ҲУСАН ШАРИПОВ, ШЕРҚЎЗИ ҒОЗИЕВ, АБДУФАТТОҚ САИДОВ

ХОНАНДАЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ ШЕРМАТ ФАЙЗУЛЛАЕВ

ҲОЖИАКБАР ҲАМИДОВ, ДИЛОРОМ ҚАЮМОВА, ҒУЛОМЖОН ЁҚУБОВ, ҲОТАМ ҲОЖИЕВ

РАҚҚОСАЛАР:

БУТУНИТТИФОҚ ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИ КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТИ ҚАРИМА УЗОҚОВА

МОҲИЧЕҲРА НУРМУҲАМЕДОВА, РАЙҲОН АБДУЛЛАЕВА

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист САЛОҲИДДИН ТЎХТАСИНОВ.

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист БАХТИЁР ИХТИЁРОВ ва ҲУСАН ШАРИПОВ олиб борадилар.

ПРОГРАММАДА: ИНТЕРМЕДИЯ, САТИРА, ЮМОР, ФЕЛЬЕТОН, ҚАТРА ҲАНДАЛАР.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 9/V да **Катта байрам концерти**, 10/V да **СССР халқ артисти Саодат ҚОБУЛОВА концерти**, 11/V да **Тразната.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 9/V да **Келинлар кўзғолони** (11.00), **Парвона** (15.00), **Рўйхатларда йўқ** (19.30), 10/V да **Саҳро тор**, 11/V да **Келинлар кўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —9/V да **Катта концерт** (12.00 ва 19.30), 10/V да **Она қизим**, 11/V да **Муқаддас диёр.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (12, 16, 19.30).

КИНО

8, 9 МАЙДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ— **Қамал** (3 ва 4 серийлар, кундуз ва кечқурун).

Тақдир— «ХИВА» (20.30), «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

Қамал — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12, 14.30, 17.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 15, 18, 20.45), ҲАМЗА номли (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қамал— «МОСКВА» (11, 14, 17), «НУКУС» (1 ва 2 серия, кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (3 ва 4 серия, кундуз ва кечқурун).

Узоқ урушдаги қисқа учрашувлар— «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Тинч ҳақида афсона— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (20.00).

ЁЗГИ БИНОДА

Тақдир— «ХИВА» (20.30).

Қамал — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

10 МАЙДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ—**Қамал** (3 ва 4 серийлар, кундуз ва кечқурун).

Тақдир— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12, 14.30, 17.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 15, 18, 20.45), ҲАМЗА номли (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қамал— «МОСКВА» (11, 14, 17), «НУКУС» (1 ва 2 серия, кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (3 ва 4 серия, кундуз ва кечқурун).

Узоқ урушдаги қисқа учрашувлар— «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Тинч ҳақида афсона— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (20.00).

ЁЗГИ БИНОДА

Тақдир— «ХИВА» (20.30).

Қамал — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Канализация ғармоқларининг қурилиши муносабати билан гвардия полковниги Хўжаев кўчасида Киев кўчасидан Железноводск кўчасигача вақтинча 15 МАЙДАН 5 ИЮНГАЧА 8, 107, 105«а», 108-автобус маршрутларининг ҳаракати қисман

УЗГАРТИРИЛАДИ

Юқоридаги маршрутларда автобуслар Энгельс кўчаси, гвардия полковниги Хўжаев, Железноводск, Ботўми, Уста Ширин, гвардия полковниги Хўжаев кўчаларидан ўтиб, кейин олдинги маршрут бўйича қатнаб бекатларда тўхтаб ўтади.

«ГЛАВТАШПАССОВТРАНС».

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими Давлат Комитети

127-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Тошкентда яшовчи, 10-синфни тамомлаган йигит ва қизларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Эркаклар устки кийими бичиқчиси, аёллар устки кийими бичиқчиси, тикувчилик ишлаб чиқариш контролёри, тикувчилик ишлаб чиқаришнинг ремонтчи-слесари.

Ўқиш муддати— 1 йил. Стипендия 30 сўм.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процента тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртида аёлларнинг енгил кўйлакларини тикиш бўйича бичиш-тикиш, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, спорт секциялари ишлаб турибди. Уй-рўзғор хўжалиги асослари ўргатилади.

Қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: паспорт, ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат, яшаш жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), директор номига ариза, 4 та фотосурат (3x4 см. ҳажмида), мактабдан характеристика.

Машғулотлар— 1 сентябрда бошланади.

Қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:

Тошкент шаҳар, Энгельс кўчаси, 60-уй— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси территориясида (2, 9, 18, 19, 21, 26, 51, 60, 72, 81, 47, 63, 89, 24-автобуслар, 2, 16, 3, 22, 23, 25, 28-трамвайларнинг «Олой» бозори бекати).

Тошкент шаҳар, Магазин-мавзук кўчаси, 136-уй— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси филиалининг территорияси (10-экспресс, 43, 88-автобуслар, 27-трамвайнинг «Шимолий Олмазор» бекати).

Тошкент шаҳар, Чехов кўчаси, 5 «а»-уй (2, 3, 25, 60, 80-автобусларнинг «Қизил тонг» фабрикаси бекати).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими давлат комитети

124-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978-79 ўқув йилига ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА:

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Электрон ҳисоблаш машиналари оператори, электрон ҳисоблаш машиналари учун қурилмалар ва маълумотлар тайёрлаш эксплуатацияси бўйича оператор, электрон ҳисоблаш машинаси программисти, секретарь-стенографистка, секретарь-машинистка, чизмакаш;

Барча ихтисосликлар бўйича ўқиш муддати— бир йил.

Билим юртига 10-синф ҳажмида маълумоти бўлган 17 ва ундан катта ёшдаги Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш рус тилида олиб борилади.

Билим юртига қабул қилинганлар 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Ўқиш аълочилари стипендияси ҳажми 25 процент оширилади. Ўқувчилар билим юртини тугатганларидан кейин министрликлар, идоралар, партия ва давлат органлари, илмий муассасалар, ташкилотлар, шаҳардаги ҳисоблаш марказлари ва лойиҳа-конструктор ташкилотларига ишга юборилади.

Қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: директор номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида аттестат (асли), справкалар: саломатлиги тўғрисида, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан; характеристика; паспорт, 3,4 см, ҳажмидаги 4 дона фотосурат.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ: секретарь-машинистка, секретарь-стенографистка учун диктант (рус тилидан), **қолган ихтисосликлар бўйича суҳбат ўтказилади.**

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Киров райони, Ҳуршид кўчаси, 45-уй (51, 9, 10, 56, 60, 72, 88-автобуслар, 2, 16, 25-трамвайларнинг «Ғалаба» боғи бекати).

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ташсельмаш» заводи базасидаги

14-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978— 1979 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти металл бўйича токарь, механика-йиғув ишлари слесари, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, электр-газ пайвандчи, ОТК контролёри, радио-электрон аппаратуралари монтажчиси, счёт—ҳисоблаш ва клавишли машиналар ремонти ва улардан фойдаланиш бўйича механик каби мутахассисликлар бўйича малакали ишчилар тайёрлаб чиқаради.

Ўқишга саккизинчи синфни тугатганлар қабул қилинади.

Қабул қилинганлар уч маҳал овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш-практикасидан тушган иш ҳақининг бир қисми (ота-онасига ўқувчиларга қўшимча равишда стипендия тўланади) билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ ДОИМИЙ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатган ўқувчилар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда умумий қоидалар асосида олий ўқув юртларига билим юртини тугатгандан сўнг мажбурий икки йил ишлаб беришсиз кириб ўқишлари мумкин. Ўқиш тугагач уларга ўрта махсус таълим ҳақидаги диплом топширилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ—3 ИЛ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: саккизинчи синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, яшаш жойидан, ота-онасининг иш жойидан справкалар. 6 та фотосурат (3x4 см ҳажмида), автобиография, мактабдан характеристика.

Машғулотлар— 1 сентябрдан бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Ҳамза район, Сельмаш кўчаси, 14 Телефонлар: 32-23-91, 66-84-44.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

8 МАЙ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

19.45 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.45 «Санъат — солдатга». Телевизион музикали фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. ЧССР — Швеция терма командалари. Прагадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.40 «Яшил эртак». «Қизча ва шер». Болалар учун мультфильмлар. 18.10 «До-ре-ми-фа-соль». Болалар учун музикали ўқув кўрсатуви. 18.50 «Ишлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ижод гулшани». Тележурнал. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ортиқ Отажонов қуйлайди». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Юксалиш даврининг қаҳрамонлари». 22.10 Телевизион театр. И. Авижюс. «Жудоликдаги йиллар». 3-қисм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Хорда фақат ўғил болалар». 19.15 «Коммунизм қурилиши даврида эстетик маданиятнинг ривожланиши». Эстетикадан ўқув кўрсатуви. 19.55 Чехословакия фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 33 йиллигига. «Мен юлдузларга». Бадиий фильм (рус.). 21.25 «Уруш эшиги қоқилганда». Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).

9 МАЙ — СЕШАНБА ҒАЛАБА БАЙРАМИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.05 «Ҳалоскорлик» Кино-эпопея. 4-фильм. «Берлин учун жанг». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Саженци» болалар вокал-чолғу ансамблининг концерти. 18.50 «Бугунги ҳаёт тантанаси учун». Шеърий композиция. 19.20 «Фашизмга қарши курашда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси». Бир минутлик сукунат. 19.40 П. И. Чайковский. Скрипка ва оркестр ижроси учун ёзилган концерт. 20.10 «Ҳалоскорлик». Киноэпопея. 5-фильм. «Сўнгги ҳужум». 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 Останкино концерт студиясида ғалаба кунига бағишланган байрам концерти. 24.00 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Жангларда тобланган қўшиқ». Телевизион фильм-концерт. 11.15 «Тасвирий санъатда жангчилар образи». 11.55 «Телевидение экранида биринчи марта». «Тонгдан тонггача». Бадиий фильм. 13.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Салют, ғалаба!». 16.55 Кўрсатувлар программаси.

17.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Динамо» (Тбилиси). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Кинофильм. 18.50 «Бугун— ғалаба куни». 19.05 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.20 Москва. «Фашизмга қарши курашда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси». Бир минутлик сукунат. 19.40 «Ишлик» студияси кўрсатади. «Ғалаба нашидаси». Ғалаба байрамига бағишланган кўрсатув. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Улуғ Ватан уруши ветеранлари учун концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 Телевизион театр. И. Авижюс. «Жудоликдаги йиллар». 4-қисм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Берлин томон йўл». Бадиий фильм. 20.30 «Жанговар йиллар қушиқлари». 21.00 Тошкент янгиликлари. 21.20 «Ҳамма нарса ғалаба учун». Телевизион ҳужжатли фильм (рус.).

Ўзбекистон Давлат физкультура институти ректорати, партия бюроси, касаба союз комитети ва физиология кафедраси коллективи, катта ўқитувчи Ш. С. Собитовга отаси

Собит ШОМАҚСУДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкентликлар пешқадам

● Республикамиздаги энг яхши спорт базаларида Ўзбекистон XVIII спартакиадаси доирасига кирувчи ёшлар ўйинлари давом этмоқда. Навоий шаҳридаги «Дельфин» сузиш ҳавзасида олти кун давомида сув полоси бўйича турнир ўтказилди. Бу мусобақаларда Ўзбекистон пойтахти ёш ватерполочилари муваффақиятли қатнашишди. Улар тўрт учрашув ўтказиб, ҳаммасида ғалабага эришдилар ва биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ва учинчи ўрин учун ўтказилган Бухоро ва Наманган областлари командалари ўртасидаги беллашувда 5:3 ҳисобида бухороликлар ғолиб чиқишди.

● Ленинобод шаҳрида велоспорт бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Бу ерда республикамизнинг барча областлари, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳри вакиллари бўлган 88 спортчи стартга чиқди. Мусобақаларда тошкентлик ва Тошкент области вакиллари энг яхши натижа кўрсатиб, совринли ўринларни қўлга киритишга муваффақ бўлишди.

● Минг метрга югуриш бўйича ўтказилган мусобақада тошкентлик И. Таранко ғолиб чиқди. У бу масофани бир минут 11,9 секундда босиб ўтди. С. Воронина, И. Таранко, В. Караберова ва Н. Дудиналардан иборат Тошкент командаси биринчи пойгани муваффақиятли якунлади.

Умумкоманда ҳисобида Тошкент области велосипедчилари 103,5 очко йиғиб, биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Тошкент шаҳри командаси эса 88 очко тўплаб, иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўринга фарғоналиклар кўтарилишди.

Бўлиб ўтган спортнинг 9 тури беллашувларидан сўнг 815,5 очко тўплаган Тошкент шаҳрининг спортчилар коллективи пешқадамлик қилишмоқда. 521 очко тўплаган Тошкент области вакиллари эса иккинчи ўринда боришяпти.

П. КОНОВАЛОВ,
Мусобақаларнинг бош судьяси, Бутуниттифоқ тоифасидаги судья.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ


●

ЧАНҒИ ТАРИХИ

Чанғида учиш қачон расм бўлганини биласизми? Ў қадимда расм бўлган экан. Масалан, Швециянинг Хутинг деган шаҳарчаси чеккасидан топилган чанғи, археологларнинг шоҳидлик беришича, бундан тўрт ярим минг йил бурун ясалган. Ҳар йили бизнинг мамлакатимизда 5,5 миллион жуфтдан зиёд чанғи тайёрланади.

ЖАҲОНДА ЯГОНА

Австрияда антиқа қўриқхона ташкил этилган. 100 квадрат километр майдонни эгаллаган ва жаҳонда ягона ҳисобланган бу ўзига хос илмий лабораторияга дунёнинг турли томонларидан ҳар хил турдаги шиллиққурт келтирилган. Уларнинг уч тури жуда ноёб бўлиб, чашма чиғаноғи деб аталган тури шу ердан бошқа жойда учрамайди.



Ҳозир Тошкент билан Янгийўл, Чорвоқ ва бошқа шаҳарлар ўртасида электр поездлари қатнаб турибди. Яқинда Тошкент — Оҳангарон ўртасидаги темир йўл участкаси ҳам электрлаштирилди.

СУРАТДА: Тошкент вокзалидан Янгийўл ва Оҳангарон шаҳарларига жўнаётган пассажир электр поездлари. М. Нуриддинов фотоси.

Олий мактаб янгиликлари

Электрон маслаҳатчи

Мари политехника институтида очилган янги лаборатория электрон ҳисоб машиналар ёрдами билан энг мақбул конструктив ечимларни излашни асосий вазифа қилиб қўйган. Ҳисобдон машина техникавий топшириқни олгач, инженерларга саноат иншоати ёки жамоат биноси лойиҳасининг ўнлаб вариантларини беради. Масалан, электрон-ҳисоб машина Йошкар-Оладаги рус драма театри томоша залининг энг қулай архитектуравий ечимини меъморларга «айтиб берди».

Баланд климатрон

Киев университетининг ботаника богида жаҳонда энг баланд климатрон қурилди. Унинг гумбази 30 метр баландликка борди. Субтропик иқлим вужудга келтирилган бу иншоотда мамлакатимиздаги кекса ҳурмолар ўсмоқда. Улар қарийб 200 ёшга боради. Украиналик ботаниклар мўътадил зоналарда мана шундай иссиқсевар дов-дарахтларни ўстириш энг мақбул шароитларини изламоқдалар. Ишчилар богда ойна қалпоқни икки марта баландлатиб қўйишларига тўғри келди, лекин дарахтлар шох-шаббалари билан гумбазни яна тешиб кетди. Ўтган йил пальманинг бўйи 20 метрдан ошди. Шунинг учун ҳам уларга янги климатрон қурилди.

(ТАСС).

Редактор С. М. КАРОМАТОВ

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 8 МАЙ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП. Тошкент, Ленин проспекти 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; Фан мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42

Р. 02411. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр —Д—1303.